O'zingni angla!

# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 12-may, chorshanba • № 20 (671) • 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan • e-mail: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz

## «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2009»

ТАНЛОВИ ДАВОМ ЭТАДИ

4-бет

## ХИТОЙДАГИ ИЛК ХУСУСИЙ МАКТАБ АСОСЧИСИ

***Конфуций таълим соҳасида ижтимоий камситишларга қарши бўлгани боис, жамиятнинг барча қатлами билим олишга ҳақлидир, деган ғояни илгари суради. Хитой тарихида биринчи хусусий мактабга асос солади.***

5-бет

## АЖДОДЛАР МЕРОСИ — ЮКСАК ҚАДРИЯТ

***Бугун Соҳибқирондан мерос қолган маънавий-маданий ёдгорликлар қайта тикланмоқда. Ул зот шарафлаган қадамжолар муқаддас зиёратгоҳларга айлантирилмоқда. «Илоҳий тун» қиссасини ёзишимга ҳам ана шу тарихий манбалар, Соҳибқироннинг болалиги кечган гўшалар асос бўлди.***

7-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди. Шу куни Президентимиз Ислом Каримов пойтахтимиздаги Хотира майдонига ташриф буюрди ва Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Давлатимиз раҳбари Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

■ 5 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорга имзо чекди.

■ 7-8 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Икки кунлик мажлис давомида 24 та масала, шу жумладан, 10 та қонун кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

■ Германиянинг Бранденбург федерал ўлкасида давом этаётган "Европа ҳафталиги" доирасида "2010 йил — Ўзбекистонда Баркамол авлод йили" мавзуида брифинг бўлиб ўтди.

# Боқий қадриятларимиз кўриги

### *Хивада "Асрлар садоси — 2010" фестивали бўлиб ўтди*

Республикамизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида миллий қадриятларимизни тиклаш ва бойитишга, меросимиз ва анъаналаримизни ёш авлодларга етказишда, ёшларда миллий қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиромни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шу билан бир қаторда урф-одатларимизни, халқимизнинг бой маънавий меросини ва асрлар оша яшаб келаётган қадриятларимизни бутун дунёга намойиш этиш мақсадида турли тадбирлар, анжуман ва фестиваллар ўтказиб келинмоқда. Ана шундай эзгу ишлардан бири сифатида "Асрлар садоси" фестивалини кўрсатиш мумкин. Мана, уч йилдирки, мазкур тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан халқимизнинг миллий ҳунармандчилик, халқ амалий санъати, мусиқа, қўшиқ, рақс, халқ оғзаки ижодини сақлаш, қайта тиклаш, уларнинг бебаҳо намуналарини тарғиб қилиш мақсадида мунтазам ўтказиб келинмоқда. Фестивалнинг жорий йилгиси 8-9 май кунлари қадимий ва навқирон Хива шаҳрида бўлиб ўтди.

Миллий маданиятимиз ва бетакрор санъатимизнинг ўзига хос байрамида фольклор-этнографик ансамбллар, театр гуруҳлари, хонандалар, бахшилар, мусиқачилар, раққосалар, қизиқчилар, миллий кийимлар дизайнерлари, рассомлар, ҳунармандлар, "Янги авлод" фестивали ҳамда "Келажак овози" кўрик-танловларининг ғолиб ва совриндорлари иштирок этишди. Шунингдек, фестивалда кўплаб хорижий давлатларнинг маданият ва санъат намояндалари, мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари ҳам қатнашдилар.

Икки кун давомида Ичанқалъа бўйлаб халқ ҳунармандчилиги, заргарлик, мисгарлик, гиламдўзлик, кулолчилик буюмлари кўргазмаси ва савдо расталари ташкил этилди. Халқ сайиллари, фольклор жамоаларнинг чиқишлари, безакли амалий санъат ярмаркаси, миллий ўйинлар ва бошқа кўргазмалар бўлиб ўтди. Фестиваль давомида 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан турли хайрия тадбирлари ҳам ўтказилди.

*(Давоми 4-бетда.)*

**Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.**

■ ФАХР

## Ҳавасли нигоҳлар тикилган юрт

*Жорий йилнинг 1-4 май кунлари пойтахтимизда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик йиғилиши кутилганидан ҳам зиёда ўтди. Бу фикрни ОТБ президенти Харухико Куроданинг шахсан ўзи эътироф этди.*

«Кўплаб мамлакатлар иқтисодиётига жиддий зарар етказган глобал молиявий инқироз Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш йўлини танлаб, жуда тўғри иш тутганини яна бир бор тасдиқлади. Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга асосланган ислоҳотларнинг «ўзбек модели» мамлакатингизнинг молиявий-иқтисодий инқирозни бартараф этишда муҳим омил бўлмоқда. Демак, Ўзбекистон бошидан ташқи дунё билан иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик қилиш йўналишларини тўғри танлаганининг амалдаги исботидир. Бугун мамлакатингиз ўзи танлаган тараққиёт йўлидан оғишмай ва дадил олға бораётир».

Исроилнинг «Ашра» давлат суғурта компанияси департаменти директори Александр Авербухнинг бу эътирофини жаҳоннинг элликка яқин давлатларидан Тошкентга келган иқтисодчи-экспертлар, олим ва мутахассислар такрорладилар. Пойтахтимизда ўтказилган йирик халқаро илмий-амалий конференциянинг «Инқирозга қарши чоралар дастурининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» деб номланиши ҳам кишига ифтихор туйғусини бахш этади.

Дарҳақиқат, дунёнинг кўплаб мамлакатларида ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ғоят ранг-баранглигини улардаги энг йирик ва машҳур компаниялар-нинг танг аҳволда қолаётганини, аҳолисининг ишсизликдан таҳликага тушаётганини кўз олдимизга келтирсак, Ўзбекистон сиёсатининг бўй-бастини, нуфузини, умумжаҳон осойишталиги йўлида тутган ўрнини янада тўлароқ ҳис этамиз. Ҳақли равишда ғурур туямиз ва фуқаролик масъулиятини англаймиз.

2 »

■ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

*Бугунги кунда жаҳон сиёсий партиялари жамоатчилик билан алоқа қилишда ўз веб сайтларидан унумли фойдаланяпти. Масалан, АҚШ ва Буюк Британия партиялари сайтига ташриф буюрадиган бўлсангиз, уларнинг деярли барчасида «Ахборот жўнатмалари», «Ҳомийлик» , «Кўнгиллилар гуруҳи», «Тадбирлар» рукнлари мавжуд. «Ахборот жўнатмалари»га ёзилган кишининг электрон манзилига партия ҳаётига доир турли ахборотлар келиб турса, «Кўнгиллилар гуруҳи»га ёзилган киши партиянинг ташкилий ишларида иштирок этиши, «Тадбирлар» рукни орқали эса партия тадбирларидан бохабар бўлиб, уларга ташриф буюриш мумкин.*

## Сиёсий партиялар сайтларда...

АҚШдаги Либераллар, Республикачилар, Буюк Британиянинг Лейбористлар, Консерваторлар каби сиёсий партияларига ҳатто онлайн тарзда аъзо бўлиш ҳам мумкин. АҚШ ва Буюк Британия сиёсий партияларининг веб сайтларини кузатар эканмиз, барчаси ўзига хос хусусиятга эгалигининг гувоҳи бўлдик. Масалан, Республикачилар сайти(http://www.-gop.com/)да «Бўлажак лидерлар» рукни орқали партия лидерлигига бирор номзод тавсия этиш мумкин бўлса, демократлар сайти(http://www.-democrats.org/)да эса сизга яқин ҳудудда ўтказилаётган партия тадбирларида иштирок этишингиз, ўзингиз ҳам турли йиғинлар уюштиришингиз мумкин.

4 »

■ МУЖДА

## Ҳаяжонлар олами

*Ёш болаларнинг ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни англашида ўйинчоқ ва қўғирчоқлар муҳим аҳамиятга эга. Болалар дунёдаги барча нарсаларни қандай кўрса, шу тарзда хотирасида сақлаб қолади. Шунингдек, улар янгидан-янги ахборот олишга қизиқади, тез эслаб қолади. Эртак, афсона, мультфильм ва ўйин қаҳрамонлари боланинг мурғак тасаввурига муҳрланади. Шу нуқтаи назардан, мактабгача ёшдаги болаларга ёрқин ранглардаги, руҳни кўтарадиган, қалбда атроф-муҳитга меҳр уйғотадиган ижодий маҳсулотлар тавсия этилади.*

Бундан ташқари меҳр-оқибат, ҳаё, катталарга ҳурмат, кичикларга иззатда бўлиш ва муомала маданияти билан боғлиқ миллий қадриятларимиз фарзандларимиз маънавиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бунда ҳам ўйинчоқларнинг ўрни беқиёс.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўйинчоқ нафақат болани овунтириш, балки маънавий камолотига, асаб фаолияти, тафаккурининг шакланишига ҳам хизмат қилар экан. Шу боис ўйинчоқ харид қилаётганда унинг нафислиги, тоза маҳсулотдан тайёрланганлиги, одоб-ахлоққа таъсири каби жиҳатларига ҳам эътибор қаратиш лозим.

— Бугун фарзандларимизнинг қандай ўйинчоқ ва қўғирчоқ ўйнаб улғаяётганига алоҳида эътибор қаратмоғимиз даркор, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдуғафур Маматов.

2 »

# ҲАЯЖОНЛАР ОЛАМИ

(Бошланиши 1-бетда.)

— Бу борада эса миллий менталитетимизга мос келадиган ўйинчоқ ва мультфильмларни кўпроқ яратиш ва намойиш қилиш зарур. Божхона хизмати ходимлари хабарларига қараганда, юртимизга олиб киритилаётган кўпгина ўйинчоқлар нафақат сифатсиз, балки болалар саломатлиги учун хавфли ҳисобланади. Бу каби ноқонуний товарларни юртимизга олиб кирилишининг олдини олиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу эса қонун ҳужжатларини ўзгартиришни ҳам талаб қилади.

Ўйинчоқларни боланинг ёшига мос тарзда танлаш муҳим. Одатда бир ёшгача бўлган чақалоқларга овозли, мусиқали ўйинчоқлар — шиқилдоқ, калейдоскоп, гўдакни юришга ундайдиган — копток, шар, меҳнатга йўналтириш учун челак, идиш-товоқлар, меҳнат қуроллари, беозор техник асбоб-ускуналар тавсия этилади. Бола улғайиб боргани сайин мураккаброқ, ақлни чархлайдиган бошқотирма шаклидаги ўйинчоқлар берилса, унинг ақлий ривожланиши тезлашади. Ўйинчоқлар ёрқин рангларда бўлса, болада ранг танлай олиш қобилияти кучаяди.

— Бозорларни тўлдириб турган қўғирчоқ ва ўйинчоқлар — ўткир найза, пиротехника воситалари, қурол-аслаҳа кўринишидаги аксарият ўйинчоқлар бола соғлигига зарар етказиши билан бирга, унинг ақлий камолотига ҳам тўсқинлик қилади, — дейди психолог Муҳаббат Расулова. — Болаларнинг руҳий оламида агрессив ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Жангари ўйинчоқлар болани қаҳри қаттиқ, меҳрсиз қилиб тарбиялайди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг аксарияти жангарилик руҳини берувчи ўйинчоқларга қизиқади. Ачинарлиси, ҳамма ҳам бу каби ўйинчоқлар фарзандининг қизиқиши ва тарбиясига қандай таъсир кўрсатаётганига эътибор бермайди.

Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг онгида соғлом ҳаёт тарзини, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалигидан шакллантиришимиз зарур, дея алоҳида таъкидлайди. Бунда болалар учун яхши мусиқа, мазмунли китоб, миллийлик руҳияти уфуриб турган бадиий ва мультфильмларни кўпайтириш муҳим.

Мамлакатимизда урф-одат ва анъаналаримиз, миллий қаҳрамонларимизнинг ўзига хос феъл-атвори акс этган қўғирчоқлар ишлаб чиқаришга, қўғирчоқсоз ҳунармандлар учун барча шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу қўғирчоқлар аввало, юқори сифати, қолаверса, ёшларимизни миллий урф-одатларга, қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши билан ҳам қимматлидир.

— Қўғирчоқбозлик ўзбек миллий санъатининг қўҳна турларидан, — дейди ҳунарманд Мавлуда Акрамова. — Бунга бор меҳр, иштиёқни бериб ишлаш керак. Шунингдек, ўйинчоқ ва қўғирчоқлар ясаётганда аввало, маҳсулот сифатига, гигиеник ҳолатига алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Болалар саломатлигига салбий таъсир этмайдиган хом ашёни танлаш муҳим ҳисобланади. Миллий ҳунармандчилик асосида яратилган қўғирчоқлар фарзандларимизнинг қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топишида муҳим омил бўлади. Шунинг учун ҳам биз қўғирчоқларнинг либоси, тақинчоғи, юз кўринишларида миллийлик акс этиб туришига алоҳида эътибор қаратамиз.

Бола оиладаги тарбия, ўзини ўраб турган маънавий муҳит таъсирида камол топади. Шу сабаб фарзандларимизнинг иймон-эътиқоди мустаҳкам, қатъиятли, юксак маънавиятли бўлиб вояга етишида барчамиз бирдек масъул бўлмоғимиз даркор.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**журналист**

**ЭЪТИРОФ**

***Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги Ибн Сино мавзеси аҳолиси кўп маҳаллалардан ҳисобланади. Мавзеда жойлашган "Ибн Сино гузари"нинг ўрни авваллари қаровсиз, янтоқзор бўлиб ётарди.***

## Сахий тадбиркорлар кўпайсин

Ҳозир эса умуман бошқача манзара. Дам олувчилар учун сайлгоҳ, кичкинагина ҳайвонот боғи, болажонлар чўмилишлари учун ҳовузча умуман олганда ёшу қари хордиқ чиқариши учун яхши шароит ташкил этилган. Фаввора тагида ўтириб салқин ичимликлардан ичиб, муздаккина музқаймоқлар ейишнинг гаштини айтинг. Кунда тўй ва турли оилавий тадбирлар ўтказиладиган бу гузар доимо одамлар билан гавжум. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Чунки нархлари ҳам чўнтакбоп. Гузардаги ишларни кўнгилдагидек ташкил этиб, элнинг дуосини олаётган Абдуллазиз Яминовни барча ҳурмат қилади. Сабаби бу тадбиркор нафақат ишбилармонлиги, балки сахийлиги билан ҳам довруғ қозонган. Абдуллазиз ака кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларнинг тўй ва бошқа оилавий маросимларини ёрдам сифатида ўтказиб бермоқда. Гузар хизматчилари ҳам ширин сўз ва илиқ табассум билан сизни кутиб олади. Тўй маросимларида киши бошига фалон сўмдан нарх белгилаб қўйган дабдабали тўйхоналарга унча-мунча одамнинг ҳатто киришга журъати етмайди. "Ибн Сино гузари"да эса ҳар куни тўй. Энг асосийси эса, гузар ишидан аҳоли мамнун.

**Мастура АКРОМОВА**

### ҚАРИЯЛАР ҚАДРЛАНДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан тантанали тадбир ўтказилди. Унда туман аҳли фаол иштирок этди.

Ҳозир туман бўйича 58 нафар уруш қатнашчиси бўлиб, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик, иззат-эҳтиром кўрсатилмоқда. Тадбир доирасида уруш фахрийлари учун дастурхон ёзилиб, уларга давлат томонидан ажратилган пул мукофотлари ҳамда "Ғалабанинг 65 йиллиги" эсдалик медаллари тантанали равишда топширилди.

**Ғойиб ЁҚУБОВ,**
**"Hurriyat" мухбири**

### ИНДИГОФЕРА — ИСТИҚБОЛЛИ ЎСИМЛИК

Индигофера — тропик ўсимликлар сирасига киради. Ер юзида унинг 700 га яқин тури мавжуд. Ўсимликнинг индигофера тинктерия деган туридан жаҳонда машҳур ноёб "Индиго" бўёғи олинади. Дуккаклилар оиласига мансуб, бўйи 1-1,5 метрга етадиган бир йиллик бу бутасимон ўсимлик фақат маданий ҳолда ўстирилади. Урганч давлат университети олимлари бир неча йил мобайнида ана шу ўсимликнинг яшил ва қуруқ биомассасидан бўёқ, пигмент олиш усулларини ўрганиб, амалиётга татбиқ этиб, ундан яхши ҳосил олишга ҳам муваффақ бўлишмоқда.

Шу пайттача мамлакатимизнинг турли минтақаларидан келган қирқдан зиёд фермерлар Урганч давлат университетида мазкур ўсимликни экиб, ўстириш сирларини ўрганишди. Ҳозир Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Глобал экологик фондининг республикамиздаги кичик грантлар дастури, БМТ ва ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ёрдамида жойларда "Индиго" бўёғига бўлган талаб ва маркетинг масалалари ўрганилаяпти.

**Тузалбой РАҲИМБОЕВ,**
**"Hurriyat" мухбири**

### ДЕҲҚОНЛАРГА КОМПЬЮТЕР ХИЗМАТИ

Фарғона вилоятининг Қува тумани "Деҳқон бозори" 1,5 миллиард сўмлик бюджет маблағи ҳисобига қайта таъмирланиб, бугун аҳолига намунали савдо хизмати кўрсатмоқда.

Фермерлар ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишлари учун бозор қошида дўконлар қуришга туман ҳокимлиги томонидан ер майдони ажратилди ва банк кредитлари берилди.

Шу кунларда "Деҳқон бозори"да яна бир янгилик жорий этилди. Бозор ичида компьютер, терминал ва алоқа воситалари билан жиҳозланган иккита махсус касса ўрнатилди. Мажмуадаги 781 та савдо ўрни тўла рақамлаштирилиб, унинг схемаси компьютерга киритилди. Эндиликда бозорга юк келтирган деҳқон ўзи эгаллаган жой номерини ана шу кассага маълум қилиб, нақд пул ёки пластик карточка билан патта тўловини амалга ошириши мумкин. Кассаларда жамланган маблағ эса тўғридан-тўғри бозорнинг банкдаги ҳисоб-рақамига ўтаверади.

**Солиҳ ҚАҲҲОР,**
**"Hurriyat" мухбири**

### 32 ХИЛ МАҲСУЛОТ

Жиззах вилояти Арнасой туманидаги Бобо Файзиев номли фермер хўжалиги бу йил маҳсулот турини 32 хилга етказмоқчи. Ўтган йили етиштирилган ўнлаб турдаги маҳсулотни сотиш эвазига 40 миллион сўм даромад қилган фермер иссиқхонада ноз-неъматлар тайёрлашга киришди.

— Шу йилдан бошлаб маҳсулотларни саноат усулида қайта ишламоқчимиз, — дейди хўжалик раҳбари Ҳасан Нуров. — Бунинг учун бирламчи қайта ишлайдиган цехга керакли асбоб-ускуналар қўшни давлатлардан харид қилинади.

**Пардабой ТОЖИБОЕВ,**
**"Hurriyat" мухбири**

### ЭКОМАКТАБ ИШ БОШЛАДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2010 йилни "Бутунжаҳон биохилма-хиллик йили" деб эълон қилгани ўзбекистонлик ёшларни ҳам бефарқ қолдирмаяпти. Улар республикамиз ҳудудидаги экологик муаммоларни бартараф этишда ўзларини масъул деб ҳис этишаётгани қувонарлидир. Яқинда Ўзбекистон Миллий университети талабалари ҳам яхши ниятда Экомактаб ташкил этдилар. Унга тажрибали олим Рўзимуҳаммад Султонов раҳбарлик қилмоқда. Экомактаб жамоаси баҳорда талабалар шаҳарчаси ҳудудига кўплаб мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экиб парвариш қилиш, шунингдек, экологик мувозанатни тиклайдиган қушлар учун уялар қуриб беришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган.

Экомактабчиларнинг "Тошкент" радиоканали ижодкорлари билан ҳамкорликда Бутунжаҳон сув ресурслари кунига бағишланган "Бевосита мулоқот" эшиттириши барчада катта қизиқиш уйғотди.

**Дониёр АБДУЛЛАЕВ**

### ЭКСПЕРТ ХУЛОСАЛАРИНИНГ ДАЛИЛИЙ МОҲИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказида "Эксперт хулосаларининг далилий моҳияти" мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар суд экспертизасининг одил судлов ва қонун устуворлигини таъминлашдаги аҳамияти, суд экспертизанинг тобора кенгайиб бораётган имкониятлари, ашёвий далилларнинг янги турларини текширишга, эксперт тадқиқотларини янада чуқурроқ олиб бориш ва аниқ натижалар олишга имкон яратилаётганини қайд этишди.

Шунингдек, сўнгги даврда ташкил қилинган суд-ер, суд-йўл-транспорт экспертизалари, суд-иқтисодий, суд-товаршунослик, материалшунослик экспертизаларининг янги масалаларни счишга қаратилган услублари кўрсатилди.

Анжуман қатнашчилари экспертнинг хулоса бериб бўлмаслик ҳақидаги далолатномасини баҳолаш, тахминий хулосалар бериш зарурати, бирламчи ва қайта экспертизаларни баҳолаш, суд экспертизада замонавий технологиялар, шунингдек, уларни баҳолашда тергов, судларнинг имкониятлари, дастлабки маълумотлар ҳақида сўз юритилди.

**Севара КАРИМОВА**

# Ҳавасли нигоҳлар тикилган юрт

(Бошланиши 1-бетда.)

Бугун республикамиз нафақат Осиёдаги, балки жаҳондаги йирик давлатлар билан ҳам тенг шерикчилик асосида ҳамкорлик қилмоқда. Масалан, мамлакатимиз ташқи савдо фаолиятида Россия энг йирик иқтисодий ҳамкорлардан ҳисобланади. Жаҳон мамлакатлари ўртасида катта мавқега эга бўлган Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикасининг ўзаро муносабатлари изчил мустаҳкамланиб бораётгани қувонарли, албатта.

Ўзбекистон ва Россия муносабатларининг шартномавий-ҳуқуқий асосини 270 дан кўпроқ икки томонлама ҳужжатлар ташкил қилади. Давлатлараро муносабатлар асослари, дўстлик ва ҳамкорлик, стратегик шериклик, иттифоқчилик шартномалари ва иқтисодий ҳамкорлик дастури шулар жумласидан. Иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг энг муҳим йўналишидир. Ташқи товар айланмамизнинг бешдан бир қисми мазкур давлат ҳиссасига тўғри келади.

«Жаҳон» ахборот агентлигининг қуйидаги маълумоти ўзини Ватан тақдирига дахлдор деб билган ҳар бир юртдошимизнинг дилига хушнудлик бахш этади: «Айни вақтда мамлакатимизда Россия капитали иштирокида 843 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг салкам ярми (353 корхона) сўнгги уч йил ичида ташкил этилган. Биргина 2009 йилнинг ўзида Ўзбекистонда Россия капитали иштирокида 101 корхона иш бошлади ва уларнинг 84 таси қўшма корхона сифатида, 17 таси эса тўлалигича Россия капитали асосида фаолият юритмоқда. Мазкур корхоналарнинг таъсис жамғармаларига Россия томонидан йўналтирилган сармояларнинг умумий ҳажми 500 миллион АҚШ долларидан зиёддир. Айни кўрсаткичлар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар жадал ривожланиб бораётганидан яна бир карра далолат беради.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда Россиянинг 132 та фирма ва компанияси ваколатхоналари аккредитациядан ўтган. Ўз навбатида Россияда Ўзбекистон капитали иштирокида 395 та корхона фаолият кўрсатмоқда».

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик шарофати билан тенглар ичра тенг бўлдик. Бугун Ўзбекистонга дўстона узатилган қўллар, ҳавасли нигоҳлар бисёр. Бу ютуқлар, амалга оширилаётган улкан салоҳиятли ишлар эса ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Буни ўз йўлбошчиси атрофида жипслашган қудратли халқгина амалга ошириши мумкин.

**Шухрат ДЕҲҚОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати**


O'ZSANOATQURILISHBANK

**Ўзсаноаткурилишбанк томонидан «VISA пластик карточкаларидан фойдаланинг ва Футбол бўйича жаҳон чемпионатига йўлланмани ютиб ол!» деб номланган промо-акция натижалари:**

| DVD плейер | № | Исми ва фамилияси | Банк филиали |
|---|---|---|---|
| 1 | 24160 | Турсунов Алходжа Ахметович | Чирчиқ филиали |
| 1 | 19977 | Ражабов Олимжон | Бунёдкор филиали Андижон |
| 1 | 4898 | Чоршанбиев Эльмурза Гульмурзаевич | Муборак филиали Қарши |
| 1 | 4853 | Чориев Равшан Мамаражабович | |
| 1 | 18966 | Раджабов Исмоил | Бухоро филиали |
| 5 | | | |

| Телефон | № | Исми ва фамилияси | Банк филиали |
|---|---|---|---|
| 1 | 10272 | Жўрақулов Тўлқун Муродович | |
| 1 | 15593 | Мухаметдинова Тўхтахон | Андижон филиали |
| 1 | 16521 | Назруллаев Дилшод | Муборак филиали |
| 1 | 6351 | Эрматова Хабиба Номоновна | Фарғона филиали |
| 1 | 25091 | Турумбетов Жаксибек | Нукус филиал |
| 5 | | | |

| Чангютгич | № | Исми ва фамилияси | Банк филиали |
|---|---|---|---|
| 1 | 20413 | Рўзиқулов Жамшид Ражабович | Муборак филиали |
| 1 | 26982 | Юлдашева Зарифа | Андижон филиали |
| 2 | | | |

| LCD телевизор | № | Исми ва фамилияси | Банк филиали |
|---|---|---|---|
| 1 | 8269 | Хаётов Фарход Эркинович | Муборак филиали |
| 1 | 11177 | Каримов Абдулазиз Вахитович | Юнусобод филиал |
| 2 | | | |

| Кондиционер | № | Исми ва фамилияси | Банк филиали |
|---|---|---|---|
| 1 | 20699 | Сафаров Хикматилло Акромович | Бухоро филиали |
| 1 | | | |

| Компьютер | № | Исми ва фамилияси | Банк филиали |
|---|---|---|---|
| 1 | 5017 | Далимов Абдунаби | Чирчиқ филиали |

| Футбол бўйича жаҳон чемпионатига йўлланма (1-рақамли иштирокчи) | № | Исми ва фамилияси | Банк филиали |
|---|---|---|---|
| 1 | 2125 | Бобоқулов Баходир Исматович | Қашқадарё филиали |

Вақт давомида синалган ишонч!
www.uzpsb.uz

SOUTH AFRICA 2010 FIFA WORLD CUP

# ЖАРАЁН

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

*Ўқитувчининг бирдан-бир тилаги – фарзанди каби дилга яқин бўлган шогирдларининг бахту камолини кўриш. Бирор ўқувчиси кичик муваффақиятга эришса, унинг кўнгли тоғдек кўтарилади, юксак зафарларни қўлга киритса, хурсандчиликдан ўзини қўярга жой тополмай қолади.*

*Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, "Эл-юрт" ҳурмати ордени соҳибаси Фароғатхон Жўраева ана шундай фидойи педагоглардан. Тажрибали муаллиманинг сабоғини олиб, катта ҳаётга учирма бўлган ўқувчилар орасидан етук иқтисодчилар, қалами ўткир журналистлар, моҳир педагоглар, малакали ҳуқуқшунослар, филолог-тилшунослар, қўйинги, жамият ҳаётининг турли жабҳаларида муносиб фаолият юритаётган мутахассислар етишиб чиқди.*

# ЭЗГУ ОРЗУЛАР РЎЁБИ

Жорий йил юртимизда муҳтарам Президентимиз таклифи билан "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинди. Фароғатхон Жўраева ушбу йилда билимли, ҳар томонлама баркамол ўқувчиларни тарбиялаш йўлида янги куч, янги ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

— Ўқитувчиларнинг заҳматли меҳнатини қадрлаш, уларнинг жамиятдаги ўрнига муносиб баҳо бериш ҳеч қачон мустақиллик йилларидагидек юксак поғонага кўтарилмаган, — дейди Фароғатхон Жўраева. — Юртбошимизнинг ёш авлодга ғамхўрлиги натижасида мамлакатимизда мактаб таълими давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бугунги кунда республикамиз мактабларида навқирон авлод муносиб билим олиши учун керакли имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, бизнинг мактабимизда ҳам таълим сифати ва савиясини ошириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Бугунги кунда биз мураббийлар ҳозирги замон фарзандларига муносиб устоз бўлиш учун интеллектуал тайёргарлигимизни доимий равишда ошириб боришимиз керак.

Чиндан ҳам, талабчан ва тажрибали педагог шогирдларига замонавий методлардан фойдаланиб дарс ўтади, уларнинг мустақил фикрлашига, ижодий изланишига кўмаклашади, шу билан бирга, уларга ҳаётий сабоқ ҳам бериб боради. Ахир, бугунги ўқувчи эртанги шифокор, тадбиркор, модельер, муҳандис ёки ҳунарманд. Мураббий болаларнинг келгусида қайси касб этагидан тутишини мактаб давриданоқ аниқлаб олишига ёрдам берса, қандай яхши!

Санъат доимо адабиёт билан эгизак. Моҳирона тикилган каштага қараб санъаткор қалбида шеър туғилади; мумтоз адабиётимиздаги хушёқар ғазаллар бўлажак дизайнер тасаввурида миллий қадриятларга мос чизгиларни жонлантиради. Фароғатхон Жўраева дарс беришда ҳамиша ана шу жиҳатларга эътибор қаратади.

— Ўқувчиларим билан мулоқотда доимо уларда ўзларига ишонч уйғотишга ҳаракат қиламан, — дейди жонкуяр устоз. — Ўқувчи истеъдодли бўлиши мумкин, аммо унга ўз вақтида эътибор берилмаса, ўзига ва имкониятларига ишонч уйғотилмаса, иқтидори юзага чиқмай қолиши ҳеч гап эмас. Кўнгилдаги эзгу тилаклар, орзуларнинг рўёбга чиқишида бу туйғу жуда зарур. Агар уларнинг кўнгилларида умид куртакларини оча олсак, ўқувчилар ана шу куртакни яшнатиш учун бор имкониятларини ишга солади, ижобий натижа учун курашади.

Бу фикрларни тинглаб, ўз касбининг моҳир устаси бўлган Фароғатхонга: "Кам бўлманг, истиқболнинг шоиру алломаларини, салоҳиятли модельерларини, довруғи етти иқлимга кетадиган қўли гул устаю ҳунармандларини, билимдон иқтисодчиларини тарбиялащдан чарчаманг!" — дегим келади.

**Мавлуда ТУРСУНОВА**

ҲУҚУҚ

# ШАРТНОМАНИ БУЗИШ ЛАФЗДАН ТОНИШДИР

***Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти шароитида қонун устуворлигининг таъминланиши муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, юртдошларимизнинг, айниқса, тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимини юксалтиришга ҳаракат қилиш, қонуний фаолият олиб бориш ва ишни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларидан келиб чиқиб ташкил этиш, шартномаларни мукаммал, ҳар томонлама пухта тузишларида кўникмалар бериш лозим бўлади.***

Кейинги йилларда айнан шартномавий муносабатларни янада такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Улар фаолиятини тартибга солувчи янгидан-янги ўта мукаммал ва халқаро талабларга тўла жавоб берувчи қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинмоқда.

Президентимизнинг 1998 йил 4 мартдаги "Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг ушбу Фармонининг бажарилиши масаласида 1998 йил 24 апрелда қабул қилган қарори муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши Фуқаролик кодексининг қоидаларини соддалаштирилган ҳолда амалиётда қўллаш учун шароит яратди. Шартнома муносабатларига бу даражада эътибор қаратишдан кўзланган асосий мақсад — шартнома маданиятини ривожланган давлатлардаги даражага кўтариш ҳисобланади.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 2010 йил ҳосили учун вилоятдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб берувчилар билан қайта ишловчи ташкилотлар ўртасида тузилган ўттиз тўққиз мингдан ортиқ шартномалар ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Бошқармамиз тузилган шартномаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш билан бирга уларнинг ижросини ҳам мониторинг қилиб бораётгани муносабати билан шартномадаги мажбуриятларини бажармаган томонга тегишли чоралар кўрилмоқда. Масалан, Пскент туманида истиқомат қилувчи фуқаро И.Ишонқулованинг туман тиббиёт бирлашмасига 4 320 000 сўмлик чойшаб ва кўрпа-ёстиқ жилди етказиб берган, лекин туман тиббиёт бирлашмаси 2 820 000 сўмлик қарзини тўламаётганидан норози бўлиб Адлия вазирлигига ёзган шикояти ходимларимиз томонидан жойида ўрганиб чиқилди. Маълум бўлдики, "Мадина Каримжонова" номли хусусий корхона билан Пскент туман тиббиёт бирлашмаси ўртасида 2009 йил 27 ноябрда чойшаб ва кўрпа-ёстиқ жилдлари савдоси бўйича 2-сонли шартнома тузилган. Мазкур ҳужжатнинг 4.5 бандига ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги" Қонуннинг 14-моддасига кўра "Мадина Каримжонова" хусусий корхонаси ўз зиммасига олган мажбуриятни тўлиқ бажариб, туман тиббиёт бирлашмасига 4 миллион 320 минг сўмлик чойшаб ва кўрпа-ёстиқ жилдларини етказиб берган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги "Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 1996 йил 24 январдаги "Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари ҳамда шартноманинг 4-банди талаблари ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги" Қонуннинг 14-моддаси, шунингдек, ўзаро тузилган шартноманинг 4.6 банди Пискент туман тиббиёт бирлашмаси раҳбарлари томонидан қўпол равишда бузилиб, етказиб берилган маҳсулот учун "Мадина Каримжонова" хусусий корхонасига 2 820 000 сўм миқдоридаги маблағни тўлаб бериш чораси кўрилмагани аниқланди. Шу боис бошқармамиз ходимлари томонидан тиббиёт бирлашмасига тақдимнома киритилди. Шунингдек, "Мадина Каримжонова" хусусий корхонасининг манфаатини кўзлаб, 2010 йилнинг 25 февралида "Мадина Каримжонова" хусусий корхонаси фойдасига Пскент туман тиббиёт бирлашмаси ҳисобидан жами 3 158 400 сўм маблағни ундириб бериш тўғрисида Тошкент вилоят хўжалик судига даъво ариза киритилди.

Тошкент вилоят хўжалик суди ушбу даъво аризани ўз мажлисида кўриб чиқиб, "Мадина Каримжонова" хусусий корхонаси фойдасига Пскент туман тиббиёт бирлашмасидан 2 820 000 сўм асосий қарз ва 118 400 сўм пеня ундириб бериш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқарди.

**Бародар РАҲИМОВ,**
**Тошкент вилояти адлия бошқармасининг шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими бош маслаҳатчиси**

## Таҳририятга хатлар

### Нодир экспонатлар

Алишер Навоий номидаги адабиёт музейининг Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган бўлими томошабинлар билан ҳамиша гавжум. Мазкур бўлим тўлалигича Бобур яшаган давр ва унинг ижодий фаолияти ҳақида бой маълумот беради. Шоир меросининг мухлислари бу ерда "Бобурнома"нинг турли нусхалари билан яқиндан танишадилар. Бу асар аллақачон китобхонларнинг қалб мулкига айланган. Экспозициянинг ноёб экспонатлари орасида Ҳиндистонда ишланган "Бобур портрети миниатюрасидан бир нусха" асари алоҳида ажралиб туради.

Истеъдодли кандакор Омон Азизов томонидан мисга ўйиб ишланган "Бобур" асари, ёзувчи Примқул Қодировнинг "Юлдузли тунлар" романига ишланган рангли безаклар ҳам кишиларда катта қизиқиш уйғотади. "Бобур тасаввурида Фарғона" деб номланган географик тасвир ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортиши аниқ. Бу ерда шоирнинг машҳур "Бобурнома" асарига бағишланган экспонатлар талайгина. "Бобурнома" расмлари" альбомининг суратлари учун алоҳида жой ажратилган. Мазкур расмлар XVI асрда ҳинд рассомлари томонидан ишланган бўлиб, улар ҳинд рассомлик санъатининг мўъжизалари ҳисобланади. "Бобур авлодлари" деган картинада эса шоир шажарасига таллуқли 40 дан ортиқ сиймо ўз аксини топган.

Кўргазмадан Бобурнинг ўзи бунёд эттирган Боғи нурафшон ҳамда Шоҳ Жаҳон қурдирган Тожмаҳал мақбараси ҳақида маълумотлар, уларнинг ташқи кўринишн акс этган суратлар ўрин олган.

**Акбар АЛИЕВ**
Тошкент шаҳри

### Ҳаётининг бир бўлаги

Ҳали мактаб партасидаёқ у елкасига фотоаппарат осиб юрарди. Унинг баҳор чоғлари қир-адирларда узоқ юриб манзара танлашига, бирор улкан дарахт ёки ажойиб қоями, қандайдир чўққига қўниб турган бургутними ёки бошқа қушними соатлаб кузатишига, сабр-тоқатига ҳайратланардик.

Ғайрат Пўлатов аслида рус тили ўқитувчиси бўлса-да, кейинчалик унинг елкасидан нафақат фотоаппарат, балки видео камера ҳам тушмайдиган бўлди.

Кўп ўтмай Шаҳрисабз санъат саройида "Ёш киноҳаваскорлар" тўгарагини ташкил қилди. Кейин уни ўқувчилар ижодиёт марказига айлантирди. Ёш киноҳаваскорлар сонининг ортиб бориши Ғайрат Пўлатовга завқ бағишларди. Тобора шогирдлари билан бирга масаллар, ҳикоялар, бадиий асарларда таърифланган воқеалар бўйича изданишлар олиб бориб, кино ишлашга уринарди. Унинг Шаҳрисабздаги "Ёшлик" болалар ижодий киностудиясида санъаткорона яратилган 40 дан ортиқ фильмларидан аксарияти мамлакатимизда ўтказилган турли танлов ва фестивалларда совринли ўринларни эгаллади. "Илон ва калтакесак", "Илон билан тулки", "Қора заҳа", "Кавел" сингари қизиқарли кинофильмлари шулар жумласидан.

Шаҳрисабз шаҳридаги "Ёшлик" киностудиясининг бадиий раҳбари Ғайрат Пўлатов бугун ҳам катта ишларни амалга ошириш ниятида елиб-югуриб юрибди. Ундан халқимизга янада сермазмун қисқа метражли фильмлар яратишини кутиб қоламиз.

**Жаббор ХАЛИЛОВ**
Қашқадарё вилояти

### Қовун гиламга айланди

Анча йиллар олдин андижонлик Мамасоли ака узоқ юртлардаги шаҳарлардан бирига қовун олиб борибди. Сотиб бўлиш арафасида хушрўйгина, қалдиқомати келишган ўрта ёшлардаги бир рус аёли келиб, қовун танлабди. Кейин Мамасоли акага саволчан назар ташлаб, сўрабди:

— Бу қовунни олишга ҳозир пулим йўқ. Аммо бугун менга қовун жуда зарур. Пулини эртага эрталаб олиб келиб бersам бўладими?

— Ҳеч қандай хижолатчилик йўқ, — дебди аёлнинг ҳолатини тушунган Мамасоли ака. — Пулини бермасангиз ҳам мингдан минг розиман. У шундай деб қовунни икки қўллаб аёлнинг халтасига жойлаб берибди.

Эртасига эрталаб Мамасоли аканинг олдига кечаги аёл келиб:

— Мана пулингизни олиб келдим, — дебди унга бир даста пул узатиб.

— Йўқ олмайман, — дебди Мамасоли ака. — Бизда рози бўлиб берилган молнинг пулини олишмайди. Мен уни сизга чин юраклан берганман.

Аёл қанчалик илтимос қилса ҳам пулни олмапти. Шунда аёл Мамасоли акага бир парча қоғоз узатибди.

— Мана бу менинг яшаш жойимнинг манзили, — бугун менинг меҳмоним бўласиз. Агар бормасангиз мен ҳам рози эмасман.

Мамасоли ака ноилож кечки пайт айтилган манзилга етиб борибди. Уни жуда хурсандчилик билан кутиб олишибди. Уй тўла меҳмон экан. Бироз ўйин кулгидан сўнг, ҳалиги аёл сўз олибди:

— Ҳурматли меҳмонлар, мана шу киши сизларга сўзлаб берганим сахий ўзбек кишиси бўлади. Кеча қизим Светлана туғуруқхонага тушиб қолганди. У менга қовун егиси келаётганини айтиб қолди. Бозорга тушиб, пулларимнинг ҳаммасини бошқа нарсаларга сарфлаб қўйдим. Қовун хаёлимда йўқ. Бу кишига аҳволимни тушунтирган эдим, ҳеч иккиланмай қовунни олиб, халтамга жойлаштириб берди. Буни қарангки, бугун эрталаб мен набиралик бўлдим. Қизим ўғил кўрди. Шунинг учун бу одамдан жуда миннатдорман, — аёл шундай деб бурчакка суяб қўйилган гиламлардан бирини олибдида, Мамасоли акага узатибди. — Мана бу бизнинг оиламиздан сизга совға бўлсин. Қачон келсангиз уйимизнинг эшиги очиқ. Бундан буён ака-сингилдек, қадрдон дўстлардек бўлиб қолайлик.

Шундай қилиб, Мамасоли ака гиламни олиб уйга қайтибди. Кўп йилларгача ўша оила билан борди-келди қилишибди.

**Йўлдош ИСОҚЖОНОВ**
Андижон вилояти

ЭЪТИРОФ

## «ТАҲДИД» МУКОФОТ ОЛДИ



Шу йилнинг апрель ойида ўн иккинчи марта анъанавий тарзда ўтказилган "Детектив-ФЕСТ" халқаро кинофестивалида қатнашган "Таҳдид" бадиий фильми совринга сазовор бўлди. "Ўзбеккино" Миллий агентлиги буюртмаси асосида суратга олинган мазкур асарда шу куннинг долзарб мавзуси — терроризмга қарши кураш ўзига хос талқин қилинган. Сценарий муаллифи ва режиссёр Ҳилол Насимов бу қора кўланканинг инсонлар тақдиридаги даҳшатли оқибатларини таъсирчан кўрсата олган.

Москвада ўтган кинофестиваль ҳуқуқий мавзудаги йирик халқаро танлов бўлиб, бу йил унинг муҳокамасига 400 га яқин бадиий фильмлар, детектив телесериаллар ва теледастурлар тақдим этилган эди.

Танлов икки йўналишда: жанрлар ва мавзулар бўйича ўтказилди. Жанрлар бўйича танловнинг бадиий детектив фильмлар номинациясида 5 та фильм ғолиб деб топилди. 9 та фильм махсус мукофотга лойиқ кўрилди, 7 та фильм махсус диплом билан тақдирланди. Жумладан, Ҳилол Насимовнинг "Таҳдид" фильми махсус мукофотга сазовор бўлди.

Албатта, дунёнинг тараққий этган деярли барча мамлакатларидан вакиллар қатнашган нуфузли анжуманда мамлакатимиз киноижодкорлари меҳнатининг эътироф этилиши миллий киномиз ривожидан далолатдир.

**Арафжон МАВЛОНОВ**

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

# ТАМАГИРЛИК ТУЗОҒИ

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг қора курсисидан жой олган икки судланувчи билиб-билмай ё бўлмаса адашиб жиноятга қўл урадиганлар тоифасидан эмас, аксинча, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган, қонун устуворлигини таъминлайдиган соҳа вакиллари экани кишини қаттиқ ташвишга солади. Аҳлиман Ҳамедов Тошкент вилояти прокуратурасининг катта терговчиси, Шавкат Исломов эса Қибрай тумани Давлат солиқ инспекцияси юридик шахслар тўловларининг бюджетга тушишини назорат ва таҳлил қилиш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келган. Афсуски, шахсий манфаатини устун билган бу икки масъул шахсни тамагирлик иллати жиноят кўчасига бошлади. Оқибатда эса мисқоллаб йиғилган обрў-эътибор кўкка совурилди.

..."Ал-Ирина люкс" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Олим Сулаймонов вилоят прокуратурасидан хуноб бўлиб чиқди. А.Ҳамедовнинг қўпол муомаласи, тазйиқи, юзсизларча пора талаб қилиши уни саросимага солди. Ўша куни, яъни 2009 йилнинг 13 сентябрь куни О.Сулаймоновга Аҳлиман исмли шахс қўнғироқ қилиб, ўзини Тошкент вилоят прокуратураси катта терговчиси деб таништириб, учраб кетишни сўраган эди. Терговчи уни яхши кутиб олди, фирма фаолияти билан қизикди. О.Сулаймонов ҳаммасини батафсил тушунтирди. Терговчи уни қабулида кўп ҳам ушлаб турмади. Сулаймонов бу ерга нима мақсадда чақирилганини тушунмади. Орадан икки кун ўтиб, терговчи уни яна ҳузурига чорлади. Бу гал унинг қовоғидан қор ёғиларди. Унга нисбатан Жиноят кодексининг 189-моддаси (савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш) 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилганини айтиб, фирма муҳрини талаб қилади. О.Сулаймонов муҳрни ёнида олиб юрмаслигини, уйда сақлашини айтганда, бунга ишонмаган терговчи дабдурустдан автомашина калитини олиб, ҳамкасбига О.Сулаймоновнинг машинасини текшириб чиқишни сўрайди. Машинадан муҳр топилмайди. Бу эса терговчининг ғазабини алангалатиб юборади. Очиқдан очиқ О.Сулаймоновга тазйиқ ўтказа бошлайди: "Йигирма минг АҚШ доллари олиб келасиз, ишингизга ёрдам қиламан, агар бош тортсангиз, сиз билан ҳамкор бўлган фирмаларнинг алоқасини узиб ташлайман". Прокуратура биносидан хуноб бўлиб чиқишининг сабаби ана шунда эди.

Орадан икки кун ўтиб, 15 сентябрь куни терговчи О.Сулаймоновга қўнғироқ қилиб, тезда уйига етиб боришини, тинтув ўтказмоқчи эканлигини айтади. Аммо терговчининг мақсади тинтув ўтказиш эмас, балки қўрқитиб, тезроқ пул ундириш эди. Негаки, унинг қўлида тегишли рухсатнома ҳам йўқ эди. Етиб келган Сулаймонов ундан тинтув ўтказиш учун рухсати бор-йўқлиги тўғрисида сўраганда, рухсати йўқлигини, лекин ваколати борлигини беписандлик билан тушунтиради. "Агар икки ҳафта ичида айтилган пулни топиб келмасангиз, ҳақиқий тинтув ўтказаман, унда ўзингизга ёмон бўлади". Терговчи ана шундай талабни қўйиб, тинтув ўтказмай хонадонни тарк этади. А.Ҳамедов айтилган пулни топиб келишни қистайверарди. 28 сентябрь куни терговчи яна Сулаймоновни хизмат хонасига чақиртириб, пулни тезроқ олиб келиб беришни, йўқса бошига оғир кунларни солишини, МЧЖнинг барча мижозларини прокуратура эшигига боғлаб қўйишини эслатиб, куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилади. Аммо Сулаймон ўзини олдинда яна қандай ғавғолар кутаётганидан бехабар эди. Унинг банкдаги ҳисоб рақамига тақиқ қўйилади.

Мушкул вазиятдан қутулиш чораларини излаб юрган кезлари Сулаймоновни аввалдан унга таниш бўлган Ш.Исломов туман ДСИга чақиртиради. Гўё ўзини унга яқин олгандек кўрсатади, бошига тушган ташвишлардан хабари борлигини, хоҳласа терговчи билан гаплашиб, ёрдам қилиши мумкинлигини гап орасида қистириб ўтади. Икковлон вилоят прокуратурасига йўл олишади. Терговчи билан учрашган Ш.Исломов ваъдасининг устидан чиқади, пул миқдорини 15 минг АҚШ долларига туширади. Аммо бу ҳам О.Сулаймонов учун оғирлик қиларди. Ш.Исломов эса кунда, кунора қўдироқ қилавериб, пулни тайёрлаб беришни сўрар, унинг ҳоли-жонига қўймасди. "Терговчи талаб қилаётган пулда Ш.Исломовнинг ҳам улуши бор экан-да", – деб ўйлади О.Сулаймонов ва бу икки тамагирга қонуний чора кўришни сўраб, Миллий хавфсизлик хизматининг Тошкент вилояти бошқармасига ариза беради. МХХ ва вилоят прокуратураси ходимларининг ҳамкорликдаги тезкор чора-тадбирлари нафс бандаларининг кирдикорини фош этди. Пора олишда воситачилик қилиб келган Ш.Исломов ўзига тегишли "Нексия" русумли автомашинасида О.Сулаймоновдан талаб қилинган пулни олиб, А.Ҳамедовга етказиб беришга чоғланган вақтда далилий ашёлар билан қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича вилоят суди судланувчиларнинг кўрсатмаларини, томонларнинг фикри ва ишда тўпланган барча далилларни атрофлича ўрганиб, А.Ҳамедовни Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми "а", "б", Ш.Исломовни эса мазкур кодекснинг 212-моддаси 3-қисми "б", "г" бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топди. Суд ҳукми билан А.Ҳамедов 6 йил, Ш.Исломов эса 5 йил озодликдан ҳамда 3 йил масъул мансаб лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди. "Нексия" автомашинаси жиноят қуроли деб топилиб, давлат эгалигига ўтказилди.

Прокуратура идоралари зиммасига фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятда қонунчиликни мустаҳкамлашдек ўта масъулиятли вазифа юклатилган. Соҳанинг айрим нопок вакиллари туфайли эса фуқароларнинг тақдири поймол бўлиши, аҳолининг адолатга бўлган ишончига дарз кетиши шубҳасиз. Ўзини хон, қўланкасини эса майдон санаган, жамият манфаатини ўз манфаатидан устун қўядиган баъзи қўли эгри "адолат посбонлари" мақоламиздан хулоса чиқарадилар, деган умиддамиз.

**Ш.ЖУМАЕВ**

# ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

*Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг*

## “ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2009”

## танлови давом этади

Ўзбекистонда демократик тараққиёт ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакатни янгилаш, иқтисодиётни модернизация қилиш, амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида катта ютуқларга эришилди. Ўтган йили қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигига йўналтирилган Давлат дастури асосида қишлоқларимизни обод этиш, аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш, яшаш шароитини шаҳар даражасига яқинлаштириш бўйича салмоқли ва хайрли ишлар қилинди.

Бу йил фарзандларимизнинг жисмонан ва маънан соғлом, давр талабига мос интеллектуал билим ва ихтисосга эга бўлган замонавий инсонлар бўлиб вояга етишларини таъминлашга қаратилган эзгу мақсад йўлида улкан ҳаракат бошланди.

Халқимизнинг эришаётган бу ютуқлари, олижаноб мақсад ва саъй-ҳаракатларини кенг ёритишда оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган сиз, журналистларнинг хизматларингиз катта.

*Азиз ҳамкасблар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни “Йилнинг энг фаол журналисти” анъанавий танловида қатнашишга таклиф этади. Танловга 2009 йилнинг 1 июнидан 2010 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.*

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

*“Йилнинг энг фаол журналисти – 2009” танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.*

**Материаллар “Йилнинг энг фаол журналисти – 2009” танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:**

***100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.***

***www.Journalist.uz***

# Боқий қадриятларимиз кўриги

*(Бошланиши 1-бетда.)*

Фестиваль дастуридан ўрин олган миллий таомлар баҳсида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган пазандалар ўзаро беллашдилар. Қўчқор ва хўроз уриштириш томошалари ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, “Асрлар садоси — 2010” фестивали доирасида Хоразм Маъмун академиясида “Ўзбекистоннинг маданий мероси: ҳаттотлик ва меъморий эпиграфика санъати” мавзуида халқаро илмий конференция ўтказилди.

Миллий либослар кўргазмаси фестиваль қатнашчиларининг алоҳида эътиборини тортди, десак янглишмаган бўламиз. Мазкур кўргазма мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги анъаналар, шакллар, матолар, нашқларнинг турфалигини яна бир бор намоён этди. Фестиваль доирасида этнографик ва замонавий талқиндаги 13 та тўплам намойиш қилинди. Тошкентлик, хоразмлик, қашқадарёлик ва бухоролик дизайнчилар ижодий гуруҳ таркибидан ўрин эгаллашди. Бугунгача мамлакатимизнинг турли жойларидаги андозалаш технологиялари, қадимда ва ҳозирда қўлланилаётган бўяш услублари ўрганилиб, кўҳна либослар ҳақида маълумотлар тўпланди. Улар асосида дизайнчилар учун тавсиялар ишлаб чиқилди.

Фестиваль якунида «Энг яхши дизайнер» номинацияси бўйича хоразмлик Наргиза Отажонова, «Эски анъаналарни сақлаш ва янгича талқин қилиш» йўналишида эса Республика «Ҳунарманд» уюшмасининг Хоразм вилояти бўлими, «Энг яхши фольклор-этнографик ансамбль» номинациясида Бухоро вилоятининг «Афшона», Сурхондарё вилоятининг «Қуралай», Самарқанд вилоятининг «Чавки», Қорақалпоғистон Республикасининг «Муҳаллас», Хоразм вилоятининг «Жўралар» ҳамда «Хива» фольклор-этнографик ансамбллари ғолибликни қўлга киритишди. Наманганлик Авазхон Деҳқонов «Энг яхши ошпаз» деб топилди.

Қорақалпоғистон Республикасидан Жанибек Тиязов ва сурхондарёлик Ўрол Раҳимов “Энг яхши бахши”, тошкентлик Мирҳамид Мирсоатов “Энг яхши рассом”, самарқандлик Фирдавс Бердиев “Энг яхши кулол” деб эътироф этилди. «Ёғоч ўймакорлиги» номинациясида хивалик Шавкат Жуманиёзовга тенг келадиган уста топилмади. Ғолибларга фестиваль ташкилотчилари ва ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Азим РЎЗИЕВ,**
**“Hurriyat” мухбири**

1. Матбуотимизни янада ривожлантириш уфқини қайси ўлчамларда кўрасиз?
2. Ўзбек матбуотида танқид қандай ўрин тутиши керак, деб ўйлайсиз?
3. Иш фаолиятингиздан қониқасизми?

Бугун ўзбек матбуотида жуда тажрибали, қалами ўткир журналистлар бор. Матбуотимизнинг ривожи ва тараққиётида уларнинг ҳиссаси беқиёс. Бир замонлар, талабалигимизда ўқув амалиётини ўташ учун ҳозирги ЎзА (ўша даврда УзТАГ)га келиб, марказ (яъни Москва)дан узатилган мақола ва хабарларни русчадан ўзбекчага пешма-пеш оғзаки ўгириб берган таржимонларни кўрганман. Ва чиқаётган “Тайп” хабарларидан ҳатто имло хато ҳам тополмаганман. Ўзбек журналистларининг бу қадар тезкорлигини ва саводлилигини ўз кўзим билан кўриб, қойил қолганман. Ўша журналистларнинг издошлари бугунги кунда ҳам матбуотимизда фаолият кўрсатишмоқда. Зеро, матбуотнинг иш услубларидан бири хабарни тезкорлик билан етказишдир. Шу маънода мен бугун рўй берган воқеа-ҳодисаларни эртасига чиқадиган матбуотда ва интернет саҳифаларида ўқишни, телевидениенинг “Ахборот” ёки “Давр” информацион дастурида кўришни, радионинг янгиликларида эшитишни хоҳлайман. Газетхонни ҳам, телетомошабинни ҳам, тингловчини ҳам янгиликлардан тезда хабардор бўлиш қизиқтиради. Жамиятимизда кечаётган ҳар бир жараёнга оммавий ахборот воситалари қанчалик ҳозиржавоб бўлсалар, матбуотимиз эртаси янада равнақ топади.

**1.** Назаримда, матбуотимизга мана шундай долзарб вазифаларни ёритишда тезкорлик етишмаяпти.

**2.** Танқид матбуот учун ҳам, ҳаёт учун ҳам зарур. Сабаби, танқид ва танбеҳлар туфайли одамлар кам-кўстини, қилаётган хатоларини тўғрилаб олишади. Аммо танқид дегани холис, кўпнинг фойдасига хизмат қилиши керак. Айни замонда у таҳлилий далиллар билан асосланган бўлиши лозим. Ўзининг ёки тарафдорининг манфаати учун бировларни бадном этувчи танқиднинг ҳеч кимга кераги йўқ!

Таниқли бир журналист қишлоқларимизда электр узилишлари борлиги, бу муаммо шаҳардан четдаги аҳоли учун маиший ноқулайликлар туғдираётгани, кундузи чироқнинг ўчириб қўйилиши мактаб ўқувчиларининг замонавий компьютер саводхонлигига ҳам салбий таъсир этаётганини куюниб қаламга олган эди. Албатта, бу муаммо ҳамма қишлоқларда бор десак, хато қиламиз, лекин айни пайтда шундай ҳолатлар мавжуд ҳудудлар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди-да. Шу маънода газета мавжуд муаммони, бор ҳақиқатни юзага чиқармоқчи бўлса, уни далил-исбот ва ётиғи билан кўрсатиб берсин, баҳс-мунозарага ўрин қолдирмасин.

Танқид билан танқиднинг фарқи бор. Баъзи ғарб газеталарида пичинг, айрим шахсларни масхара қилиш одатлари бор. Бир хил воқеаларни ўта бўрттириб, шов-шув даражасига кўтариб юборадилар. Пировардида у қайсидир шахслар, қанақадир компанияларнинг манфаати йўлида уюштирилгани маълум бўлади.

Миллий матбуотимиз фақат бизнинг халқимизгагина хос хусусиятларни ҳам акс эттиради. Ўзбек халқи жуда таъсирчан. Таёқ этдан, сўз суякдан ўтишини яхши билади. Шу каби газетада “урилиб” чиқиш ҳеч кимга ёқмайди. Номус-ори қўзийди, бола-чақаси, қариндошлари, дўстлари олдида мулзам бўлишдан чўчийди. Айни шу сабабларга кўра матбуотимизда “ур калтак-сур калтак” йўсинидаги асоссиз танқидлардан ҳушёр бўлган маъқул. Камчиликни тузатиш бир ёқда қолиб, бир-бири билан адоват қўзғатадиган гапларнинг ҳеч кимга кераги йўқ. Фикримча танқид қилаётган журналист танқиднинг оқибатини ҳам ўйлаши, керак бўлса, конструктив таклифларини ҳам баён этиши мақсадга мувофиқ бўлади.

**3.** Одамзот ҳеч қачон ўзининг ишидан қониқмайди, жуда бўлмаганда ишларига улгурмайди, тинимсиз ўзини тергаб яшайди. Қалам аҳли учун илҳом келгани, қоғоз қоралаб кўнглидагиларни тўкиб солгани, сўнг уни ишлаб матбуотда эълон қилгани, бир-икки одамдан мақтов эшитгани – катта байрам.

«Ёшлик» журналини жамоамиз билан доим таҳлил қилиб борамиз. Журналнинг ҳар янги сони амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни юклайди. Умуман, ўз ишидан қониқмаслик ва масъулият ҳисси нафақат таҳририятнинг равнақи учун балки ижодкорнинг ижодий фаолиятида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**Собир ЎНАР,**
**“Ёшлик” журнали бош муҳаррири**

# Сиёсий партиялар сайтларда...

*(Бошланиши 1-бетда.)*

Республикачилар сайтининг «Конгрессни ҳаракатга келтир» рукнида эса кишилар ўз ҳудудий сенаторига Конгресс йиғилишларида қонунни қўллаб-қувватлашга, унинг маъқул, номаъқул томонларини шарҳлашлари мумкин.

Албатта, бизнинг мамлакатимизда ҳам бундай имкониятлар йўлга қўйилган. Олий Мажлис қонунчилик палатасининг сайтида бу имконият яратилган. Депутатлар таништирилган. Уларнинг ўз электрон почтаси бор. Бироқ халқимиз ҳали бу йўналишда ишлашга ўрганмаган.

Чет элдаги партия сайтларининг имконияти ниҳоятда кенг. Масалан, республикачилар сайтида кичик гуруҳлар тузилган бўлиб, улар бирор мавзу бўйича ўзаро ёзма фикр алмашадилар. «Республикачилар Миллий қўмитаси тадқиқоти» гуруҳининг 118 нафар аъзоси бўлиб, гуруҳнинг форумларида бутун жамоатчилик қатнашиши, гуруҳга аъзо бўлиши мумкин. Сайт орқали партиядошларни излашингиз, дўстларингизни ҳам партия сафига қўшилишга таклиф этишингиз мумкин.

Бизнинг Ўзбекистонимиздаги партияларнинг ҳар бирида ёшлар қаноти ишлаб турибди. Айниқса, ушбу услубни улар орасида қўлласа, мақсадга мувофиқ бўларди.

Демократлар сайтидаги «Бош муҳаррирга хат» рукни орқали сиз демократчилар илгари сураётган бирор ғояни қўллаб-қувватловчи мақола ёзиб, партия сайтининг махсус саҳифасига илова қилишингиз мумкин. Партия эса мақолани тегишли умуммиллий ёки ҳудудий босма нашрларга жўнатади.

“Яшиллар”партияси (http://www.gp.org) сайтининг «Сайловлар» рукнида 2010 йилда Конгресс аъзолиги, штат губернатори, шаҳар мэри лавозимларига ушбу партия томонидан тавсия этилаётган номзодлар рўйхатини кўришингиз, сайтда уларнинг таржимаи ҳоли, шахсий сайти билан танишишингиз, номзодларга ҳомийлик қилишингиз мумкин.

АҚШнинг Либераллар партияси (http://www.lp.org/) сайтига кирсангиз, нафақат номзодларни қўллаб-қувватлаш ёки бирор номзод тавсия этиш, балки ўз номзодингизни ҳам қўйишингиз мумкин.

Шунингдек, сайтларда жамиятдаги у ёки бу муаммо бўйича материаллар узатилиб, уларга партиянинг муносабати, муаммога ёндашуви, ечими тавсия этилади. «Либераллар: Обама Афғон урушига аралашмаслиги керак» мақоласида Обаманинг Афғонистонга уюштирилган икки кунлик шошилинч ташрифи ва АҚШ ҳукуматининг Афғонистонда олиб бораётган сиёсати ҳақида Либераллар партияси Ижрочи директори Уес Бенедиктнинг мурожаати чоп этилган. Унда шундай дейилади: «АҚШнинг Ироқдаги уруши хато бўлгани ўз тасдиғини топганидай Афғонистондаги уруши ҳам хато экани ўз тасдиғини топади. Терроризм билан бу тахлитда курашиб бўлмайди, АҚШ ўз қўшинларини бу мамлакатдан олиб чиқиб кетиши керак, акс ҳолда яна мағлубиятга учрайди» деган фикрларни билдиради.

Шунингдек ушбу сайт маъмурияти жамоатчиликни турли радиодастурларда либералистик нуқтаи назарни тарғиб этишга даъват этади ва турли радиоэшиттиришларнинг номи, вақти ҳамда радиостудияларнинг телефон рақамларини аудитория эътиборига тақдим этади. Партия YouTube видео дастурида ҳам алоҳида саҳифасига эга бўлиб, унда Либераллар партиясига оид турли видеолавҳаларни томоша қилиш мумкин. Унда ўқувчиларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини ёзиб қолдириш имконияти ҳам яратилган..



**Буюк Британия Лейбористлар партияси**

Буюк Британиянинг Лейбористлар партияси сайтининг (http://www2.labour.org.uk)«Мен нима учун Лейбористман?» рукни мавжуд бўлиб, партия аъзолари нима учун айнан шу партияга аъзо бўлганликлари ҳақида ёзиб қолдиради. Буни партиянинг самарали рекламаси деб атаса ҳам бўлади.

Ушбу партия турли ижтимоий-сиёсий ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, уларнинг ғоя ва қарашларини ҳукуматга олиб чиқади. Бу ҳам жамоатчилик билан алоқаларнинг замонавий бир кўринишидир. Бу ташкилотларнинг вакиллари партияга аъзо бўлиб, ҳукумат структурасининг турли идораларида фаолият олиб боради. Масалан, «Scientists for Labour» ташкилоти Лейбористлар партиясига хайрихоҳ бўлган фан ва технология соҳаси вакилларини ўзига бирлаштирса, социалист атроф-муҳит ва ресурслар ассоциацияси лейборист сиёсатчи, тадбиркорлар, олимларни ўзида бирлаштиради. Лейборист талабалар ташкилоти эса ўз ортидан партияга ҳамфикр бўлган олий ўқув юртлари талабаларини эргаштиради.

Улар амалга ошираётган ишлар мамлакатимиздаги партиялар қошида иш олиб бораётган “Ёшлар қаноти” фаолиятига ўхшаб кетади.

Шунингдек, ушбу сайтнинг «Халқаро лейборист» рукни хорижда яшаётган Буюк Британия фуқаролари орасида ўз ғояларини тарғиб этишни кўзлайди. Айни пайтда партия хорижда яшайдиган 2,5 миллион Англия фуқароларига онлайн тарзида партияга аъзо бўлиш имконини яратади.

Лейбористлар сайтида акциялар ҳақида алоҳида дастур мавжуд. Унда жамоатчиликни жамиятдаги бирор муаммо юзасидан ўтказилаётган акцияни қўллаб-қувватлашга чақирилади. Масалан, глобал қашшоқликнинг олдини олишга, глобал иқлим ўзгаришига қарши, кам таъминланган оила фарзандларини қўллаб-қувватлашга қаратилган акциялар ўтказилаяптики, ушбу сайт орқали жамоатчилик мазкур акциялар ҳақида тўлиқ маълумот олиши, уларга ҳомийлик қилиши, ташкилий ишларда иштирок этиши мумкин. Сайтда жамоатчиликка мурожаат этилиб, парламент аъзоларини ҳам ана шу ишга даъват этишади.

«Лейбористлар сиёсий дастури» йўналиши орқали эса жамиятдаги у ёки бу масалага лейбористлар ёндашувини билиб олишингиз мумкин. Масалан, «Соғлиқни сақлаш», «Жиноят, ҳуқуқ ва иммиграция», “Маданият, ОАВ ва спорт”, “Хотин-қизлар”, “Буюк Британия халқаро майдонда”, “Таълим ва ҳунар” каби рукнлар борки, улар ҳам ўз навбатида кичик рукнларга бўлинган. Масалан, “Буюк Британия халқаро майдонда” рукни “Европа”, “Халқаро лидерлик”, “Халқаро тараққиёт”, “Ҳарбий муҳофаза”, “Афғонистон” каби мавзуларга бўлинганки, уларда партиянинг ана шу масалаларга нисбатан ёндашуви баён этилган. Чунончи, Афғонистон масаласига бағишланган материалда лейбористлар Афғонистондаги ҳарбий операция учун кейинги йил давлат бюджетидан 5 миллиард фунт стерлинг миқдорида маблағ ажратиш таклифини ўртага ташлагани ёзилган. Афғонистондаги халқаро коалиция амалиётларининг 90 фоизи мамлакат миллий армияси билан ҳамкорликда амалга оширилаётгани ва афғон аскарларининг ҳарбий тайёргарлигини ошириш бўйича ўқув машғулотлари тобора кучайтирилаётгани ҳақида батафсил ёзилган.

“Таълим” рукни эса “Болалар ва оила муҳофазаси”, “Мактаб”, “Олий таълим”, “Касб-ҳунар” каби кичик рукнларга бўлинган бўлиб, лейбористларнинг бу борада олиб бораётган фаолиятлари ҳақида ахборот берилган. Масалан, “Олий таълим” бўлимида кейинги йилларда лейбористлар саъй-ҳаракати билан Европа инвестиция банки томонидан соҳага 350 минг фунт стерлинг ажратилгани айтилади. Шунингдек, бугун олий ўқув юртларида 1997 йилга нисбатан 392 минг нафар кўп талаба таҳсил олаётгани, партия аъзолари 2010-2011 йилларда олий ўқув юртларида 2,1 миллион талаба таҳсил олишини таъминлашни режалаштираётгани ёзилади. Хуллас, ана шундай батафсил маълумотлар жамоатчиликка тақдим этилган.

Сайтда партия нафақат ўз фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликка ахборот беради, балки мухолифат партия — консерваторлар фаолиятини танқидий таҳлил этади.

Консерваторлар ёки Торилар партияси сайти(http://www.conservatives.com/)нинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда партия раиси Девид Камероннинг оддий халқ билан учрашувлари видеолавҳаси мунтазам узатиб борилади. Ҳатто сайтнинг махсус саҳифаси орқали мобил телефонларга тарқатилади. Партия конференциясида иштирок этишни истаган киши онлайн тизимида рўйхатдан ўтиши мумкин.

“Келажак Консерватлари” партиянинг “Ёшлар қаноти” бўлиб, мамлакатда унинг 15 минг аъзоси бор. “Келажак Консерваторлари”нинг сайти ёш консерватларга сайтга илова тарзида ўз блокини яратишни таклиф қилади.

Бизнинг юртимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг ҳам сайтлари бор, турли йўналишдаги рукнлар мавжуд. Лекин юқорида келтирганимиздек, хизмат турлари йўқ. Ана шундай турлар йўлга қўйилса, жамоатчилик билан алоқалар янада кучаяди. Партиялар сафи кўнгиллилар ҳисобига кенгаяди.

**Ойдин САЪДУЛЛАЕВА,**
**ЎзДЖТУ магистранти**

# ДУНЁДА НИМА ГАП?

ДАРАКЛАР

### ЖАНГАРИЛАРГА ҲУЖУМ

Покистоннинг шимоли ғарбида жойлашган қишлоқлардан бирига АҚШнинг учувчисиз аппарати ҳужум қилди. Дастлабки маълумотларга қараганда, ҳужум туфайли 10 нафар одам ҳаётдан кўз юмган.



AFP хабарида айтилишича, учувчисиз аппарат қишлоқдаги уйлардан бирини вайронага айлантирган. Вайроналар орасидан беш кишининг мурдаси топилди. Улар террорчиларми ёки тинч аҳоли вакилларими ҳозирча аниқ эмас. AFP мухбири бирлашган кучлар вакилининг сўзларига таяниб, ҳалок бўлганлар жангарилар эканини таъкидлади.

Покистоннинг Афғонистон билан чегара ҳудудларида илгари "Ал-Қоида" ва "Толибон" сафида ҳаракат қилган жангарилар жойлашиб олишган. Шунинг учун АҚШ ҳарбийлари бу туманларни мунтазам ракетадан ўққа тутишади.

Расмий Исломобод бу ҳужумлар пайтида тинч аҳоли ҳам зарар кўраётгани боис бир неча марта норозилик билдирди. Аммо Вашингтон бундай ҳужумларни тўхтатмоқчи эмас. 2009 йилда бу туманга 70 марта ракета ҳужуми уюштирилди. Натижада "Толибон" гуруҳининг бир неча йўлбошчиси ва 600 нафар жангари ҳаётдан кўз юмди.

### ПАРОМ ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Нью-Йорк бандаргоҳида Стейтен-Айленд Ферри паромлар гуруҳига қарашли Барбери пароми пристанга урилиб кетди. New York Post газетасининг ёзишича, ҳалокат натижасида бир неча ўн киши тан жароҳати олган. Паромнинг нима сабабдан пристанга урилиши сабаби ҳозирча номаълум.



Қанча одам жабр кўргани ҳам энди аниқланмоқда.

Стейтен-Айленд Ферри паромлари Нью-Йоркнинг Манхеттен ва Стейтен-Айленд туманлари ўртасида мунтазам қатнайди. Улар ҳар куни 65 минг йўловчини ўз манзилига етказиб қўяди.

Йўли «Озодлик» ҳайкали ёнидан ўтадиган паромга Нью-Йоркдаги «Куртис» футбол мактабига 1950-1970 йилларда устозлик қилган Эндрю Барбери номи берилган эди. Бу паром 2003 йилда кемалар боғлаб қўйиладиган жойга урилиб кетганди. Ўшанда 11 йўловчи ҳаётдан кўз юмган ва 70 нафар киши турли даражада тан жароҳати олганди.

### ИСПАНИЯ ИҚТИСОДИДАГИ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШ

Испания иқтисоди рецессиядан чиқди. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 0,1 фоизга ўсди. Бу сўнгги икки йилдаги биринчи ўсишдир. 2008 йилнинг иккинчи чорагида ЯИМ ишлаб чиқариш камая бошлаганди. Рецессия Испанияда бошқа мамлакатларга қараганда узоқроқ, ярим йил давом этди.

Халқаро экспертлар Испания иқтисодидаги ўсиш вақтинча эканини таъкидлашмоқда. Айрим иқтисодчилар мамлакат иқтисодининг Греция даражасига тушиб қолиши мумкинлигини ҳам башорат қилишаяпти.

Standard & Poor's халқаро рейтинг агентлиги вакилининг таъкидлашича, мамлакат иқтисоди 2010-2016 йиллар давомида режалаштирилганидек, ўртача 1 фоиздан эмас, 0,7 фоиздан ўсиши мумкин.

### ЖИНОИЙ ГУРУҲ ҚЎЛГА ТУШДИ

Москва шаҳар ички ишлар идоралари ходимлари валюта алмаштириш пунктлари ходимларини ўғирлаш ва ўлдириш билан шуғулланган 6 кишидан иборат жиноий гуруҳни қўлга олди. Гуруҳни собиқ кассир "Сонька олтин қўл" лақаби билан машҳур бўлган Светлана Козлова бошқарган.

Ҳибсга олинганларнинг уч нафари Украина фуқароларидир. Терговчиларнинг таъкидлашича, собиқ кассир Светлана Козлова барча жиноий амалиётларга раҳбарлик қилган. Улар валюта алмаштириш пунктлари ходимларини кузатиб келишган ва йўлда ўлдиришган. Кейин келиб пунктдаги барча пулларни ўғирлаб кетишган. Шу йўл билан улар 30 миллион рублни ўзлаштиришган. 2008-2009 йиллар мобайнида жиноий гуруҳ тўрт нафар кассирни ўлдирган. Бу ҳозирча расман аниқланган далиллар. Уларнинг қурбонлари кўпроқ бўлиши ҳам мумкин. Тергов бунга аниқлик киритади, албатта.

### РАФАЭЛ АСАРИНИНГ ХОМАКИ НУСХАСИ

Италиянинг Модена провинциясида Рафаэлнинг 1518 йилда

чизилган "Муқаддас оила ёки Марварид" асарининг хомаки нусхаси топилди. "Reuters" хабарига қараганда, унинг ҳақиқийлигини Пиза лабораторияси олимлари тасдиқлаган.

Картина бир неча асрдан буён Моденада яшовчи д'Эсте оиласи галереясида сақланиб келарди. Шаҳар музейлари куратори Марио Скалини бир куни бу оилага боради ва архивдаги картиналар орасида Рафаэлнинг асарига ўхшаш картинани кўриб қолади.

Рафаэлнинг "Муқаддас оила ёки Марварид" асарининг асл нусхаси Мадриддаги Prado музейида сақланади. Рафаэлга бу расмни чизишни граф Кассона буюрган экан. Рассом асарнинг бир нечта хомаки нусхаларни яратади. Лекин ишни охирига етказа олмай вафот этади. Асарни мусаввирнинг шогирдларидан бири Жулио Романо чизиб битказади. Тайёр бўлган картинани кардинал Ипполит д'Эсте сотиб олади. Орадан бироз вақт ўтгач эса сотиб юборади.

Ипполит д'Эсте оиласи галереясида 27 мингта санъат асари сақланади. Рафаэлнинг машҳур асарининг хомаки нусхаси шулар ичида кўринмай қолиб кетган.

### МАЛАЙЗИЯ ҲАРБИЙ ТЕХНИКА СОТИБ ОЛМОҚЧИ

Малайзия Туркиядан 250 та "Pars" номли бронетранспортёр сотиб олмоқчи. Яқин кунларда бу ҳақда шартнома имзоланади. Defense News хабарида айтилишича, шартноманинг баҳоси 500 миллион долларни ташкил этади ва Туркиянинг жорий йилдаги энг

йирик ҳарбий техника экспорти ҳисобланади.

"Pars" бронетранспортёрини FNSS компанияси ишлаб чиқаради. Ушбу компания акцияларининг катта қисми Туркиянинг "Nurol Holding" корпорациясига тегишли.

Ҳарбий машина 525 от кучига эга бўлиб, текис ерда соатига 100 километргача ҳаракатлана олади. Унинг сувдаги тезлиги эса соатига 10 километрни ташкил этади. "Pars" 25 миллиметрли пушка ва 7,62 миллиметрли пулемёт билан қуролланган. 2009 йили Туркия қуролли кучларига минг дона "Pars" бронетранспортёри етказиб берилди.

### «СИНЬХУА»НИНГ ЯНГИ ТЕЛЕКАНАЛИ



Хитойнинг «Синьхуа» давлат ахборот агентлиги инглиз тилида кечаю кундуз янгиликлар тарқатадиган янги телеканални ишга туширди. Шу йилнинг 1 июлидан бошлаб телеканал мунтазам кўрсатувлар беришни бошлайди. Телеканал учун «Синьхуа»га қарашли China Network Corporation (CNC) телекомпанияси жавоб беради.

"Associated Press" хабарида айтилишича, янги телеканал кўрсатувлари сунъий йўлдош ва кабель орқали Шимолий Америка, Европа, Африка ва Осиё-Тинч океани ҳудудларига кўрсатувлар узатади.

Хитой ҳукумати жаҳон ахборот агентликлари ишидан норози. Ҳукумат вакилининг айтишича, хориж телерадиоканаллари ва газеталари Хитойдаги воқеаларни атайин бузиб кўрсатади Янги телеканал бу камчиликка чек қўйиши керак.

### БЮЛЛЕТЕНЛАР ҚАЙТА САНАЛДИ

Жорий йилнинг март ойида Ироқда парламентга сайловлар бўлиб ўтганини, унда Айяд Алауй бошлиқ "Ал-Ироқия" партияси ғолиб чиққани, лекин "Қонун давлати" коалицияси раҳбари, амалдаги бош вазир Нури ал-Маликий умумхалқ тадбири натижаларидан норози бўлиб, бюллетенларни қайтадан санашни талаб қилганини аввал хабар қилган эдик. 3 май куни бюллетенларни қўлда санаш бошланди. Шу пайтга қадар уларнинг 90 фоизи санаб бўлинди. Лекин ҳозирча қайта саноқ сайлов натижасига ўзгартиш киритгани йўқ.

ИТАР-ТАСС хабарида айтилишича, бюллетенларни қайта санаш пайтида ғолиб партиянинг парламентга депутат этиб сайланган тўққиз аъзосининг аввал фаолияти тақиқланган Баас партиясига аъзо бўлгани учун мандати бекор қилинди. Шундай бўлса-да парламентда бош вазир партияси асосий рақибидан битта депутатга кам бўлиб турибди.

**Интернет хабарлари асосида**
**Дилшода АБДУРАҲМОНОВА тайёрлади**

МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

# ХИТОЙДАГИ ИЛК ХУСУСИЙ МАКТАБ АСОСЧИСИ

*Хитой маданияти ва фалсафасида ўзига хос бурилиш ясаган Конфуцийнинг асл исми Кун Цю бўлса-да, адабий китобларда Кун Фу Цзи ёки Кун Цзи сифатида талқин этилади. "Цзи" сўзи хитойликлар орасида ёши улуғ эркакларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром сифатида қўлланилган. Агар буни ўзбекча қилиб айтадиган бўлсак, "Цзи" устоз, жаноб, муҳтарам, ҳурматли, тақсир сўзларига тўғри келади.*

Конфуцийнинг отаси Цулян Хэ Лу князлигининг ишончли саркардаларидан бири бўлган. У 66 ёшда эканида ёш хотини Янъ Чжэнцзой ўғил туғиб беради ва унга Кун Цю деб ном қўйишади. Бўладиган бола бошидан, деганларидек, бола ўз тенгқурлари орасида ўткир зеҳни, тиришқоқлиги билан ажралиб турарди. Ўша даврдаги қўлёзмаларда Конфуцийда донишмандларга хос бўлган теран фикр, кенг мушоҳада юритишга лаёқат, ўта соғлом ва жисмоний куч бўлгани ёзилган.

Конфуций 20 ёшида зодагонлар ортидан боришни ихтиёр этди. Лу князлигида майда амалдордан саналса-да, у доимо халқ билан бирга бўлди. Ҳақиқатгўй, одил бошқарувни ёқлар, ноҳакликларни кўришга тоқати йўқ эди. Шу боис Конфуций 30 ёшида таниқли шахсга айланади. У илм-фан билан шуғулана бошлайди, ўз сиёсий қарашларини тарғиб этишга киришади.

Эрамиздан аввалги 501 йилда 51 ёшли Конфуций Чжунлу музофотига губернатор этиб тайинланади. Бу ҳудуд ҳозирги Шандун провинцияси таркибига киради. Мазкур лавозимда ишлаб юрган чоғида халқ меҳрини қозонади. Бу, албатта, унинг мансаб пиллапоясидан юқорилашига замин бўлади.

Эрамиздан аввалги 500 йилда Цзягу шаҳрида Лу князлиги хукмдори Дингуннинг Ци князлиги ҳоқони Цзингун билан учрашуви бўлиб ўтади. Дингунга ҳамроҳлик қилган Конфуцийнинг ақл-заковати, зукколиги туфайли рақиб томонининг ўйлаб топган хийласи барбод бўлади ва Цзигун илгари босиб олинган ерни Дингун князлигига қайтариб беришга мажбур бўлади. Конфуцийнинг "етти ўлчаб бир кесиши" қўшни Ци князлигига, албатта, ёқмайди. Шунинг учун эрамиздан аввалги 497 йилда маккор Ци князлиги навбатдаги тузоқни қўллашга киришади. Лу князи ихтиёрига 80 нафар сулув қизларни жўнатади. Кутилмаган ҳадядан ўзини йўқотиб қўйган Дингун императорнинг қўли базму жамшиддан бўшамайди. Маишатга берилган ҳукмдор давлат ишларини четга суриб қўяди. Бу Конфуцийни бефарқ қолдирмади. У адолатсизликларга чидай олмайди ва ўзининг шогирдлари билан саройни тарк этади.

Ўша кундан бошлаб Конфуций 14 йил сарсон-саргардонликда яшади. 68 ёшида собиқ талабаларидан бири Жан Цзюнинг қистови билангина ўз юрти — Лу князлигига қайтади. Сарой муҳитидан аллақачон кўнгли совиган донишманд солнома тузишга, кўҳна ёзувларни таҳрир қилишга, ёшларга таълим беришга бел боғлайди. Натижада ўзидан бой маънавий мерос қолдиради.

1645 йилнинг 19 февралида Цин династияси императори Конфуцийни улуғ донишманд, устоз деб эълон қилди. Дарҳақиқат, Конфуцийни турли даврларнинг ўзига хос буюк муаллими бўлган, десак муболаға эмас. Айнан у ўқув масканларида янгича ўқитиш услубига мустаҳкам пойдевор қўйди. Шу пайтгача қадимги Хитойда фақат бой-бадавлатларнинг фарзандлари мактабга бориш ҳуқуқига эга бўлган. Конфуций таълим соҳасида ижтимоий камситишларга қарши бўлгани боис жамиятнинг барча қатлами билим олишга ҳақлидир, деган ғояни илгари суради. Хитой тарихида биринчи хусусий мактабга асос солади. Муаррихларнинг таъкидлашича, Конфуцийнинг уч мингга яқин шогирди бўлган экан. Улардан 72 нафари устоз таълимотининг давомчилари сифатида элга танилади.

XX асрда Хитойда Конфуций таълимотига турли қарашлар мавжуд бўлган. Буюк шахс ҳатто феодалларга хос одобахлоққа эга қуруқ сафсата сотувчи насиҳатгўй сифатида ҳам қабул қилинади. Ҳатто ўтган асрнинг 70- йилларидаги маданий инқилоб даврида Конфуций таълимоти қораланади. Йиллар ўтиб эса мантиқсиз қарашларга чек қўйилди.

2004 йилда Шандун провинциясининг Цюйфу шаҳрида Конфуций таваллудининг 2 555 йиллигига бағишлаб тантанали маросим бўлиб ўтди. Ўша йилнинг 21 ноябрида Сеулда дунёда биринчи бўлиб Конфуций номидаги институт очилди.

2009 йилнинг октябрь ойигача бўлган маълумотга кўра, жаҳоннинг 87 мамлакати ва минтақасида 282 та Конфуций номидаги институт, 241 та синф фаолият юритмоқда. Хитой халқ университетида ягона Конфуций ва конфуцийлик тадқиқот маркази ҳамда анъанавий Хитой маданиятини ўрганиш маркази ташкил этилди. Кейинчалик Пекин, Цинхай ва бошқа университетларда ҳам шундай марказларга асос солинди. Хитойнинг 30 дан ортиқ олий ўқув юртларида Конфуций ҳайкаллари савлат тўкиб турибди.

Ўзбекистонда ҳам Конфуций таълимотига қизиқиш кучли. Тошкентда Конфуций маркази фаолият юритаётганига анча йиллар бўлди. Ушбу даргоҳда юзлаб талабалар таҳсил олган.

Жорий йилнинг 22 январида жаҳон кино экранларида "Конфуций" фильми намойиш этилди. Хитойлик таниқли режиссёр аёл Ху Мэй картинани яратиш учун уч йил қаттиқ меҳнат қилди ва бу асарга давлат бюджетидан 150 миллион юан ажратилди. Фильм сценарийсини 33 марта қайта ишлашга тўғри келди.

Конфуций эрамиздан аввалги 479 йилнинг 11 апрелида вафот этади. Унинг бир қизи ва ўғли бўлган.

**Азимжон ПЎЛАТОВ**

## Конфуций ҳикматлари

Тузатилмаган хато ҳақиқий хатоликдир.

* * *

*Адолат учун фидокорлик кўрсатмаслик қўрқоқликдир.*

* * *

Энг ақлли кишилар билан энг нодон кишиларнигина ўзгартириб бўлмайди.

* * *

*Тилёғламалик одамнинг ахлоқини емиради. Агар арзимас ишларда ўзингни тута олмасанг, буюк ишларингни барбод қилади.*

* * *

Ахлоқли (хушахлоқ) киши ёлғизланиб қолмайди, шубҳасиз, бошқалар унга яқинлашадилар.

* * *

*Агар кимки узоқни ўйлаб режа қилмаса, шубҳасиз, кўз олдидаги ғамкулфатга яқин келган бўлади.*

* * *

Уззу-кун одамлар ила кунини ўтказувчи, айтганларида мантиққа тўғри келадиган бир нима йўқ, бебурд, ўзини доно кўрсатиб суюнадиган одамни ҳақиқатан тарбият қилмоқ мушкул.

* * *

*Олижаноб одамлар ўзида иқтидор йўқлигидан чўчийди, ҳаргиз бошқаларнинг ўзини тушунмасликларидан хавотирга тушмайди.*

* * *

Оқил одамда шубҳаю гумон, раҳмдил одамда ғам-ғусса, мард одамда қўрқув-ваҳима бўлмайди.

* * *

*Биз бутун вужудимиз билан бидъат таълимотларини рад этсак, балоқазолар ҳам ўз-ўзидан барҳам топади.*

* * *

Ўрганган илмини такрорлаб, ундан янги фикр-таассуротлар, янги билимларга эриша олган киши устоз бўла олади.

* * *

*Оддий халққа раҳмдиллик сув ва олов эҳтиёжидан ҳам кўра зарурроқ. Мен сув ва ўт балосига йўлиқиб ҳалок бўлганларни кўп кўрганман. Бироқ раҳмдиллик қилганларнинг ҳалокатга йўлиққанини алсо кўрмадим.*

* * *

Раҳмдил бўлмоқ учун устоздан изн сўралмайди.

* * *

*Мақсад йўли ўхшаш бўлмаган кишилар билан маслаҳатлашиб, кенгашиб бўлмайди.*

* * *

Олижаноблар доим ахлоқ тарбияси учун куюнади, худбинлар бўлса манзилу макон ғамида бўлади; олижаноблар қонун-мезон ҳақида қайғуради, худбинлар эса ўз манфаатларинигина ўйлайди.

ФАХР

# ХАЛҚЛАРНИНГ ОЛТИН ҲАЛҚАСИ



*Биз маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга интилаётган эканмиз, ҳеч қачон ўз қобиғимизга ўралашиб қолмаслигимиз керак. Қисқача айтганда, бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасида ҳам халқаро алоқаларни кучайтириш зарур. Қайси мамлакатда бизнинг адабиётимиз, маданиятимиз, қадриятларимизга ҳурмат билан қарашади, хориждан биз нималарни ўрганишимиз мумкин ва, ўз навбатида, уларга нималарни тақдим этишимиз мумкин — бугун бу масалалар халқаро майдонда ўзлигимизни намоён этишда катта аҳамиятга эга эканини доимо ёдда тутишимиз лозим.*

**Ислом КАРИМОВ**

2004 йилда Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультети қошида «Ёш таржимонлар клуби» очилган эди. Клубнинг дастлабки йиғилишларида университет ўқитувчилари қаторида хорижий тиллардан хабардор талаба ва ижодкорлар ҳам иштирок этиб, бу ерда таржима қилинган асарлар қизғин муҳокама этилар, аъзоларга амалий машғулотлар тақсимланарди. Кейинчалик таржимонлар клуби «Гулистон» журнали таҳририяти қошида фаолият юрита бошлади. Журнал бош муҳаррири кўмаги билан бўлим мудири Баҳром Рўзимуҳаммад журналда гўзал анъанага қўл урди. Саҳифаларда бадиий асарлар икки тилда — асл матн ва таржима матни ёнма-ён чоп этила бошланди. Клуб ҳақида гап кетганда бир инсон ҳақида гапирмасликнинг иложи йўқ.

Аъзам Обидов билан ўша клубнинг йиғинларидан бирида танишгандик. Балки у ҳақда эшитгандирсиз. Аъзам ака 1974 йили Наманганда туғилган. НамДУ ва ТошДИУда таҳсил олган. Бир неча шеърий ва таржима китоблар муаллифи. Инглиз, ҳинд, испан тилига ўгирилган шеърлари, кўплаб таржималари Америка, Колумбия, Испания ва Ҳиндистондаги газета-ю, журналларда, интернет нашрларида чоп этилган. У Айова Халқаро Ёзувчилар Дастурининг (АҚШ) фахрий аъзоси. Меделлин халқаро шеърият фестивали иштирокчиси.

Рости, унинг тиришқоқлигига ҳавас қилардим. Чунки расмий идоралардан бирида фаолият юритишига қарамай вақт топиб, қисқа фурсатда салмоқли ишларни амалга ошириб улгурганди. Бир қарасанг, Усмон Носир ва Чўлпонга тегишли энг машҳур шеърларнинг инглизча таржимасини («Dream of lightsome dawns» — «Нурли тонглар орзуси») китоб ҳолида чоп эттирар, бошқа сафар нуфузли чет эл нашрларида таржималари босилган бўларди. У 48 нафар ўзбек шоирининг шеърларидан танлаб олиб, инглиз тилида «Tunes of Asia» («Осиё оҳанглари») номли кичик антология чоп эттирганди. Шу тўплам Америкадаги машҳур www.uiowa.edu/~iwp халқаро веб-журнали ҳамда Ҳиндистоннинг Ассам штатида ассам тилида китоб шаклида чиққан. Антологияга кирган шоирларнинг айримлари Францияда босилган ўзбек шеъриятининг икки томли антологиясига ҳам киритилган.

Клуб ўзбек адабиёти асарларини хорижий тилларга таржима қилиш ва чет элда тарғиб этишни бош мақсад қилганди. Пировардида ўзбек шоир ва ёзувчилари асарларининг ҳамда ўзбек адабиётига доир кўплаб мақолалар Ҳиндистон, Япония, Америка, Корея ва Колумбиядаги адабий газета, журналларда ҳинд, гужорат, япон, ассам, малаялам, инглиз, испан, корейс ва француз тилларида босилишига эришилди. Ўзбек шеърияти ва насри намуналари АҚШ, Германия, Швеция, Ҳиндистон, Россия, Колумбия сингари мамлакатлардаги адабий кечаларда ўқилди. Шоир Азим Суюннинг «Эй, дўст» («Hey, Friend») шеърий, ёзувчи Саломат Вафонинг «9/1» номли ҳикоялар тўплами инглиз тилида, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг «Урушнинг сўнгги қурбони» (гужорат тилида), Паҳлавон Маҳмуд рубоийларининг Ҳиндистонда чиқадиган «Diplomatik» журналида инглиз тилида чоп этилиши, Колумбиянинг бир йилда икки марта нашр этиладиган «Prometeo» журналида 17 та ўзбек шоири ижодидан намуналар (2008, 81-82 сонлар) берилиши, ўтган йили ўзбек ва инглиз тилларида замонавий ўзбек ҳамда жаҳон шоирлари ижодидан намуналар киритилган «Илонбалиқ» («Fish and snake») шеърий антологиясининг босмадан чиқишида ҳам Аъзам аканинг алоҳида ҳиссаси бор. Ҳозир у Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» ва Тоғай Муроднинг «Ойдинда юрган одамлар» қиссаларининг инглизча таржимаси устида иш олиб бормоқда.

Клуб аъзолари буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ижодини тарғиб қилиш борасида ҳам анча залворли ишларни амалга оширмоқда. Канадалик таржимон Гарри Дик билан ҳамкорликда шоира Турсуной Содиқованинг «Навоий гулшани» номли Навоий ғазалларига шарҳлар рисоласи инглиз тилига таржима қилинди, аллома асарларини инглизчалаштириш мақсадида чиғатой-инглизча луғат тузилди ва Америкада чоп этилиш арафасида. Инглиз тилидаги **www.navoigarden.com** веб-сайтининг ташкил этилиши клубнинг асосий ишларидан биридир. Сайтга шарқона услубда дизайн берилиб, унда Навоий билан танишув, мақолалар, фотогалерея, миниатюра каби шоир ижодига оид саҳифалар қаторида ҳозирги ўзбек адабиётига доир саҳифалар, шунингдек, таржимонлар клуби ҳақида маълумотлар жойлаштирилган.

Жаҳон тиллари университети билан ҳамкорликда инглизчага ўгирилган «Лисон ут-тайр» («The Language of the Birds») асари чоп этилган. Ушбу асарни саҳналаштириб, электрон тасвирини қатор мамлакатларда тарғиб қилишда клуб аъзоларининг хизмати алоҳида. Шу ўринда Гаррининг Навоий ижодига қизиқиб, ўзбек тилини ўрганганини эътироф этиш ўринли.

Бош ролни Раззоқ Ҳамроев ижро этган «Алишер Навоий» фильми инглиз тилига ўгирилиб, АҚШда намойиш қилинди. Америкадаги Айова штати театрида «Навоий ва Гули» монологи миллий либосларда, инглиз тилида ижро этилди. Айни пайтда «Садди Искандарий» достони таржимаси устида ишлар қизғин паллага кирган.

## АЪЗАМ АКА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

— Дастлаб Меделлин халқаро фестивали ҳақида гапирсам. Фестиваль бугунга қадар 150 га яқин мамлакатдан 1000 дан зиёд шоирларни таклиф этган. Колумбиянинг 30 дан ортиқ катта-кичик шаҳарларида 60 тилда шеърлар ўқилган. Илк бор бу фестивалга «Прометео» адабий журнали ходимлари асос солган. Мазкур фестиваль 2006 йилда иккинчи Нобель деб аталувчи «The Right Livelihood Award» мукофотини олишга муваффақ бўлган. Меделлиннинг баҳорий табиати, одамлари, маданияти ижод аҳлини асло бефарқ қолдирмайди. Айниқса, шаҳардаги каттакон очиқ театрда олти соат давомида ёмғир ёғиб турганига қарамай, 3000 дан зиёд ёшу кексанинг шеър эшитиш учун тўпланганини кўриш ғоят шукуҳли эди.

Ўзбек шеъриятини Америка, Германия, Швеция ва ҳиндистонлик шеърият ихлосмандлари жуда яхши қабул қилишган. Чет элда бир мушоирада инглизча таржималаримни ўқиганимда, «шекспирона» экан, дея баҳолашган. Шеъриятимиз хорижда илиқ кутиб олингани учун ҳинд, гужорат, малаялам, испан ва француз тилларида нашр этилган антологияларга киритилиб, газета ва журналларда шеър ишқибозлари эътиборига ҳавола этилди.

*Мен ўзбек адабиётини дунёга олиб чиқишни ният қилганман. Шунинг учун ҳар бир тилга ўгирилган ва нашр этилган намуналарда камида 5-6 та ўзбек ижодкорининг асарларидан таржималар берилади. Ўзбек адабиёти хусусида чет мамлакатлардаги олий ўқув юртлари, коллежлар, кутубхоналар, жамоат уйларида махсус тақдимотлар қилинган. Дунёдаги ўнлаб мамлакатларда юзлаб шоир, ёзувчи, таржимон дўстларим борлигидан фахрланаман. Улар билан интернет орқали тез-тез фикр алмашиб турамиз. Қайси юртга бормай, қайси миллатга мансуб шоир ёки ёзувчи билан кўришмай, умумий мулоқот тилини топишга ҳаракат қиламан. Бунда инглиз, француз, турк, араб, испан тилларидан хабардорлигим қўл келади. Дунёда деярли ҳар ҳафтада адабий анжуманлар ўтказиб турилади. Мен билган халқаро адабий анжуманларнинг ўзи йигирмадан ортиқ. Ғарб мамлакатларида, қолаверса, Америкада деярли ҳар бир штатнинг ўзига яраша халқаро шеърият фестивали, халқаро ёзувчилар анжумани бор.*

Албатта, ҳамма инсонлар қатори ижодкорнинг ҳам ўз тақдири бўлади. Кимдир гўзал асарлар ёзиб, туғилган юртидан четга чиқа олмайди, яна кимдир ўткир қалами билан дунёни забт этади, унинг ижодидан бутун инсоният баҳраманд бўлади. Бу эса адабиёт тарғиботининг қанчалик йўлга қўйилганига боғлиқ. Президентимиз Ёзувчилар уюшмаси фаолияти самарадорлигини ошириш, миллий адабиётимизни янада ривожлантириш ҳақида шундай деганди: **«Шу ўтган даврда биз юртимизда эркин, демократик жамият пойдеворини барпо этиш йўлида янгича руҳда ўсиб-улғаяётган навқирон авлодни вояга етказмоқдамиз. Савол туғилади: бу жараёнларга ёзувчилар қандай ҳисса қўшмоқдалар ва уларнинг олдида турган асосий вазифалар нималардан иборат? Ўзбек тили ва адабиёти бу борада қандай роль ўйнаши керак?..»**

Ўйлайманки, миллий адабиётдаги энг яхши асарлар кўпчилик сўзлашадиган жаҳон тилларига таржима қилинса, адабий алоқалар жадал йўлга қўйилса, профессионал таржимонлар қисқа фурсатда етиштирилса, миллатни жаҳонга танитиш шунча тез жадаллашади. Бунинг учун бизда имкониятлар етарли. Замонавий ижодкорларимиз электрон почтага эга бўлса, интернетдан фойдаланишни, бирор хорижий тилни билса, фақат фойдали иш бўлади. Қаламкашлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб халқаро майдонларга шаҳдам қадамлар билан чиқишга ҳаракат қилишлари лозим. Бу йўлда кўприк вазифасини ўташ биз учун шарафлидир.

Биз асосан ўзбек адабиётини хорижий тилларга таржима қилинишини мақсад қилганмиз. Адабий таржима билан шуғулланаётганлар кўп эмас. Қ.Маъмуровнинг инглизчага, А.Абдуллаевнинг турк тилига ўгираётган гўзал таржималаридан хабардорман. Ёш шоира Антонина Иплина ўзбекча асарларни инглиз тилига ўгиришни бошлади. Атрофимизда бундай иқтидорларнинг кўплигига шубҳа қилмайман! Фақат уларни юзага чиқариш, даврага тортиш керак!

## ДАРҲАҚИҚАТ...

*Спорт халқни дунёга тез танитади, дейишади. Ҳақ гап. Аммо адабиётнинг кучи ҳам ундан кам эмас. Адабиётни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётган бугунги кунда катта-катта лойиҳаларни амалга ошириш, ўзбек адабиётини дунёга олиб чиқиш, халқаро адабий ва дўстона алоқаларни ўрнатиш бўйича Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида улкан ишларга қўл урилмоқда. Бундай хайрли ишлар яқин йилларда ўз самарасини бериши шубҳасиз.*

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**
**журналист**

АДЛИЯ ИДОРАЛАРИДА

# Инсон ҳуқуқлари — давлат ҳимоясида

*Республикамиз мустақилликка эришгач, жамиятимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасида самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумини, бошқарувнинг адолатли ва демократик принципларини, жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланганини, шунингдек маънавий қадрятларимиз асосларини мустаҳкамлаб берди. Бу халқаро қонунчиликка ҳам тўла мос келади.*

Давлат мустақиллигига эришганимиздан буён мамлакатимиз парламенти томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича 60 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар, БМТнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид асосий 6 та халқаро ҳужжати ратификация қилинди. "Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро Пакт, "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро Пакт, ушбу пактга факультатив протокол, "Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматини камситувчи турларига қарши Конвенция", "Бола ҳуқуқлари тўғрисида" ги Конвенциялар шулар жумласидандир.

Умуминсоний тамойиллар мамлакатимиз қонунчилигида ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, бугунги кунгача Ўзбкистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган 100 дан ортиқ қонунлар қабул қилинган.

Инсон ҳуқуқи умуман олганда, инсоннинг яшаш кафолати ва эркинликлари Ўзбекистон қонунчилик ҳужжатлари ривожида ўз ифодасини топмоқда. Республика мустақиллигини мустаҳкамлаш, сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида демократик жараённи ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, мамлакатимизда бир қанча институтлар ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича бўлинмалар ташкил этилганлиги шулар жумласидандир. Мазкур институтларнинг ташкил этилиши билан Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишининг конституциявий нормаларда бошқариш ва назорат қилишнинг янги самарали механизмлари барпо этилди.

Шунингдек, мамлакатимизда "Соғлом авлод йили", "Она ва бола йили", "Сиҳат-саломатлик йили", "Оила йили", "Ижтимоий ҳимоя йили", "Ёшлар йили", "Баркамол авлод йили" ва бошқа дастурларни ҳаётга татбиқ этиш орқали фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини бутун чоралар билан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2008 йил 1 май кунидаги "Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармонлари эса мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимояси таъминланганлигининг ёрқин намунасидир.

Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдириш, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини оширишга қаратилган бўлиб, бу билан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилиниши механизми янада мустаҳкамланди.

Давлатимиз раҳбарининг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида" ги Фармони эса инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий, қонунчиликка оид чора-тадбирлар тизимини янада такомиллаштиришга қаратилди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида олиб борилаётган бундай ижобий ишлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдондаги обрў-эътиборини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги амалга ошираётган барча ишларимизда ўзининг ижобий натижаларини беради.

Ўтган йил давомида Фарғона вилоят Адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 август кунги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларидан келиб чиқиб, Конституция ҳамда қонунлар билан мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида, судларга 24 миллион 360 минг 957 сўмлик 95 та даъв аризалари киритилиши таъминланди ва улар судлар томонидан тўлиқ қаноатлантирилди.

Масалан, бўлим томонидан Бувайда тумани ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди 12 нафар ишчи ходимларининг манфаатини кўзлаб, киритилган 3.720.830 сўмлик иш ҳақларини ундириш тўғрисидаги даъво аризалари фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро суди томонидан қаноатлантирилиб, иш ҳақлари тўлиқ ундирилди. Шунингдек, тегишли идораларга 2 та жиноий, 10 та маъмурий таклифлар киритилди. Киритилган мазкур таъсир чораларига асосан, бир нафар мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилди, ўн нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жарима қўлланди.

Масалан, Риштон политехника касб-ҳунар коллежи ҳамда Риштон тумани аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимида ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича Риштон тумани бандликка кўмаклашиш марказига 2009 йил 23 май куни маъмурий таклиф киритилди. Унга асосан, иш фаолиятида меҳнат қонунчилиги талабларини бузган коллеж директори А.Миразизов ҳамда туман аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи М.Турсуновлар маъмурий жазога тортилиб, уларга нисбатан 56 минг 80 сўм маъмурий жарима қўлланилган.

**Ортиқбой АРТИКОВ,**
**Фарғона вилоят адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси.**

МУТОЛАА

# Узоқ яшаш сирлари




*Китоб тафаккуримизни ёритгувчи машъала бўлиш билан бирга инсонга энг яқин дўст, беминнат устоз ҳамдир. Шунинг учун бўлса керак, техник тараққиётга юз тутган замонамизда ҳам китобга бўлган эҳтиёж, унинг ҳаётимизда тутган ўрни муҳимлигича қолмоқда.*

Яқинда маҳоратли ёзувчи Неъмат Ёқубовнинг «Муҳаррир» нашриётида чоп этилган «Умр» номли китобини ўқиб, ана шундай хулосага келдим. Муаллиф ушбу романда инсонни қизиқтирадиган ва доимо ўйлантириб келадиган масалаларни қаламга олган. Масалан, инсон ҳаётдан завқланиб, бу ёруғ олам неъматларидан баҳраманд бўлиб, соғлом яшаши кераклигини таъкидлайди. Узоқ умр кўриш сир-асрорларини билишга интилади. Ёзувчи шу мавзуни ёритар экан, тиббиётнинг нозик соҳаларидан бири бўлган нейрожарроҳликнинг ғоят мураккаб томонларини синчковлик билан очиб беради. Энг муҳими, романнинг бош қаҳрамонлари тимсолида юртимиздан етишиб чиққан тажрибали тиббиёт ходимларининг ҳаёти ва изланишларини акс эттиради.

Неъмат Ёқубов ижодида инсоннинг соғлом, руҳан бардам бўлиши бевосита тиббиёт ходимларининг серқирра фаолияти билан бадиий тадқиқ этилгани китобхонда яхши таассурот қолдиради. Унинг "Жон" романининг яратилиши ҳам шифокорларнинг ҳаёти, кундалик ишларини синчковлик билан кузатиб, таҳлил этишининг маҳсули бўлганди, десак муболаға эмас. Қолаверса, ижодкорнинг фарзандлари, набиралари орасидан саломатлик посбонларининг етишиб чиққани, улар билан қилинган мулоқотлар, ўз вақтида кўрсатилган йўл-йўриқлар ҳам бу борада алоҳида аҳамият касб этган.

Энг қувонарлиси шундаки, юқорида тилга олинган бу икки роман мамлакатимиздаги тиббиётга доир олийгоҳларда, ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган йигит-қизлар учун ўзига хос қўлланма бўлибди. Чунки бу асарларда тиббиёт олдида турган муҳим масалалар илмий асосланган ҳолда бадиий услубда талқин этилган. Муаллифнинг "Умр" романида Абу Али ибн Синонинг "Қон — бу жон" деган таърифи иқтибос ўрнида келтирилган. Бинобарин, инсон ҳаёти кўп жиҳатдан унинг танасидаги қоннинг таркиби, миқдори, даражаси, қандай айланиши ва бошқа жиҳатларига боғлиқ. Демак, қон улуғ аллома айтганидек, одамнинг вужудини ҳаракатга келтириб туради. Шу боис у асосий моддий омил ҳисобланади. Усиз инсон ҳаёти, умрининг мазмунмоҳиятини тасаввур этиб бўлмайди. Бу унинг имон-эътиқоди, ақл-идроки, феъл-атвори, онг-шуури, ахлоқ-одоби, бир сўз билан айтганда, маънавиятини белгилайди. Уларнинг барчаси инсон руҳиятида мужассам. Буни ёзувчи «Умр» китобида маҳорат билан очиб бергани китобхонларни бефарқ қолдирмайди.

**Суннат САЙДАЛИЕВ**

МОЗИЙ

# Аждодлар мероси — юксак қадрият

Президентимиз фармони билан ташкил этилган «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси томонидан миллий қадриятларимизни тиклаш, буюк аждодларимизнинг муборак номларини эъзозлашга алоҳида эътибор қаратилиб, кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, юртимизнинг турли воҳаларида миллий ва маънавий қадриятларимиз, улуғ зотларнинг тарихини тиклаш билан шуғулланиб келаётган зиёлиларимиз ҳам кўпчиликни ташкил қилади.

Истеъдодли адиба, халқаро «Олтин мерос» жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими раиси Ш.Ашурова билан бўлган суҳбатимиз ҳам халқимизнинг миллий ва маънавий мероси, тарихий анъаналаримиз хусусида бўлди.

**— Шарофат опа, узоқ йиллардан буён улуғ зотлар тарихини тиклаш билан шуғулланиб келмоқдасиз. Бунинг ҳам ўзига яраша машаққатлари бўлса керак?**

— Келажакка ташланган қадам ҳамиша ўтмишдан бошланади. Шундай экан, аждодлар меросини чуқур ўрганмай, бугунимиз ва келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворини қуриб бўлмайди. Қолаверса, улуғларнинг руҳларини шод қилмоқ фарзандлик бурчимиздир.

Қадим Қашқадарёнинг Китоб тумани азалдан улуғлар маскани саналади. Бу қутлуғ замин соҳибқирон Амир Темурнинг пирлари Саййид Неъматуллоҳ, Ҳазрати Башир, Мавлоно Дарвеш каби ўнлаб улуғ зотларга бешик бўлган.

Илмий тадқиқотлар давомида Амир Темур, Мирзо Улуғбек даврида Қашқадарёдаги фиқҳ мактабларининг ўзига хос ўрни борлигига яна бир бор амин бўлдим. Юқорида номлари зикр этилган алломаларнинг бир қанчаси бошқа мадрасаларда таҳсил олиб, улуғлик даражасига етиш даврининг қайсидир пиллапояларида Насаф ҳадис мактабларига жўнатилган экан. Биргина мисол. Шу мактабда таҳсил олган Саййид Амир Кулол ҳазратлари Бухорои шариф мадрасаларида таҳсил олган Баҳоуддин Нақшбандга: «Мен ўзимдаги бор билимларни бериб бўлдим. Энди сизни Насаф томонларга юборурман», дейдилар. Бу Насаф маърифат мактабининг ҳам нуфузи баланд бўлганини билдиради.

Истиқлолимиз шарофати билан аждодларимизнинг табаррук номлари қайта тикланди. Уларнинг асарлари эълон қилинди, фаолиятлари тадқиқ этилмоқда. Ўзим авлиёларнинг қутлуғ қадамжоларига йўл олсам, қалбим ҳидоят зиёси билан покланади. Мозийга бўйлаш, ота-боболаримизнинг орзу-армонларини ҳис этиш, бугуннинг қадрига етмоқликка даъват қилади.

**— Улуғ мутафаккир шоирлар Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ўз асарларида тасаввуф илмининг пешволари Муҳаммад Қусам Атойи, Абу Туроб Нахшабийни эҳтиром билан тилга оладилар. Ул улуғ зотларнинг муборак қадамжолари ҳақида гапириб берсангиз...**

— Абу Туроб Нахшабий ўз даврининг улуғ машойихларидан бўлган. Ҳазрат Навоий «Лисон ут-тайр» достонида Нахшабийнинг комиллиги, инсоний фазилатларини ҳикматли ривоятлар билан шарҳлаган. Алломанинг қабри Қарши шаҳрида эканлигини қайд этади.

Жамғармамиз аъзолари билан тахмин қилинган жойларга бориб, Нахшабий ва унинг авлодлари қабрларини аниқладик. Бу жойлар обод зиёратгоҳга айлантирилгани дилларни қувонтирди.

Маънавий хазинамизга улкан ҳисса қўшган яна бир улуғ зот — Муҳаммад Қусам шайх номи билан юритиб келинаётган зиёратгоҳ эса дунёга маълум. Бу маскан ҳам Қарши шаҳридаги Пудина қишлоғида жойлашган. Абдураҳмон Жомий ўзининг «Нафосат ул-унс» асарида «Муҳаммад Қусам Атойи Аҳмад Яссавийнинг авлодидандур. Баҳоуддин Нақшбанднинг устозидир», — дея қайд этади. Навоий ҳазратлари эса «Насойим ул-муҳаббат» асарида Муҳаммад Қусам Атойини «Шайхлар шайхи», дея эътироф қилади. Алишер Навоий келтирган манбаларга кўра, Баҳоуддин Нақшбандий ўсмирлик йилларида Қусам шайхга шогирдликка тушиш учун келган давридаги синовлар тилга олинади.

Бир сўз билан айтганда, Муҳаммад Қусам шайх ҳазратларининг улуғ устоз бўлганлари дилимда фахрифтихор туйғусини уйғотди. Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ва манбашуносларнинг қолдирган маълумотларига қараганда Қусам шайх қўлларида таҳсил олмоқ учун кўпгина алломалар Насафга келишгани қайта-қайта такрорланади.

Ҳазратнинг Хожа Баҳоуддин билан бўлган мулоқотлари, таълимотларини ўрганиб, улуғ бобокалонимиз тўғрисида манбаларда ёзиб қолдирилган маълумотларни тўплаган ҳолда асар ёзиш ниятида йиллар давомида изланишда бўлдим. Шундан сўнг «Қусам шайх» асарим дунёга келди.

**— Тарихга оид китобларингизда таъкидлаганингиздек, темурийлар давридаги қадриятлар айни вақтда ҳам халқимизнинг узоқ асрлар давомида вужудга келган ўзига хос миллий фазилатлари ҳисобланади. Жамғарма томонидан уларни тиклаш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Бундан бир неча йил илгари Қамаши туманидаги Қорабоғ қишлоғига у ернинг тарихини ўрганиш мақсадида боргандим. Нуроний отахонларнинг нақл қилишларича, Соҳибқиронинг дастлабки ғалабаси Қорабоғда қўлга киритилган экан. Машҳур тарихчи олим Шарофиддин Али Яздий ҳам «Зафарнома» асарида ана шу ҳақда маълумот келтирган. Соҳибқирон давлатнинг иқтисодий аҳволини ўнглашда савдо-сотиқнинг ўрни муҳим эканини теран идрок этган ҳолда бозорлар, расталар, дўконлар барпо қилдиргани, ҳунармандчилик устахоналари қурдиргани маълум. Айни пайтда қўшни давлатлар билан савдо ишларини жонлантиришга, маданий алоқаларни мустаҳкамлашга жиддий аҳамият берган. Испания элчиси Рюи Гонсалес де Клавихонинг ёзишича, ўша даврда Самарқанд бозорларида дунёнинг барча томонларидан келган, ҳар хил тилларда сўзлашувчи савдогарларни ҳар қадамда учратиш мумкин эди. Амир Темур узоқ йўл босувчи савдогарлар мушкулини енгиллаштириш учун карвон йўллари ёқаларида барча қулайликларга эга бўлган карвонсаройлар барпо этган.

Буюк бобомиз давлатни юксалтиришда илму фаннинг аҳамияти беқиёслигини теран англаган. Шу сабаб олиму уламоларга ҳам катта иззат-икром кўрсатган. Ўзи ҳам фалакиёт, тиббиёт, меъморчилик, математика илмларидан яхшигина хабардор бўлган. Жаҳонгир билан суҳбатлашишга муяссар бўлган машҳур араб тарихчиси Ибн Холдуннинг таъкидлашича, у киши турк, араб, форс халқлари тарихини чуқур билган, диний дунёвий ва фалсафий билимларнинг энг мураккаб жиҳатларини ўзлаштирган.

Амир Темур Самарқандни обод ва кўркам масканга айлантириш мақсадида Боғи чинор, Боғи шамол, Боғи дилкушо, Боғи беҳишт, Боғи нав, Боғи нақши Жаҳон, Боғи Давлатобод, Боғи замон каби бирбиридан гўзал боғларни барпо эттирган. Уларнинг ўртасида муҳташам саройлар, фавворалар, сарҳовузлар бунёд қилинган. Соҳибқирон бобомиз қўл остида бўлган бирор қарич ернинг бекор ётишига йўл қўймаган. Имкон бўлган барча ерни боғ-роғга айлантирган.

Бугун Соҳибқирондан мерос қолган маънавий-маданий ёдгорликлар қайта тикланмоқда. Ул зот шарафлаган қадамжолар муқаддас зиёратгоҳларга айлантирилмоқда. «Илоҳий тун» қиссасини ёзишимга ҳам ана шу тарихий манбалар, Соҳибқироннинг болалиги кечган гўшалар асос бўлди. Амир Темур ҳазратларининг ўзига хос фазилати, кечиримлилиги, ҳар қандай вазиятда ҳам шошилмасдан амир ва аъёнлари билан кенгашиши, жангда ҳалок бўлганлар руҳини ёд қилиши, рақибини инсофга чақириши каби хислатлар халқимизнинг миллий фазилатларига айланиб кетган.

**— Халқаро «Олтин мерос» жамғармаси ташаббуси билан Қарши шаҳридаги бир неча асрлик тарихга эга «Ҳазрати Билол» ҳовузининг қайта тиклангани энг катта ишлардан бири бўлди. Жамғарма яна қандай хайрли ишларни амалга оширмоқда?**

— Аввало, юртимиздаги ҳар бир қадимий ҳовуз қайсидир аллома, маърифат дарғасининг ҳаёти, кечмиши билан боғлиқ. Юртимизда эса бундай қадимий ҳовузлар кўп бўлган. Аммо ҳозиргача 10 га яқини билан шуғулландик. Балки бу эътирофу таҳсинга лойиқ катта иш эмасдир. Лекин бу ҳовузларнинг тиклангани ва сув танқис бўлган кезларда шаҳримизнинг битта бўлса ҳам маскани обод қилинаётгани кўнгилни қувонтиради. Халқимиз ота-боболаримиздан қолган тарихий ҳовузлар борлигини илғайди. Биринчи ишга туширган сардобамизнинг чуқурлиги 18 метр, тагининг айлана узунлиги 21 метр квадратни ташкил этади. Таги кенг, оғиз тарафи торайиб боргани боис ер сатҳида катта жойни эгалламайди. «Маҳаллот» маҳалласидаги «Ҳазрати Билол» қудуғининг ишга туширилиши натижасида бу муқаддас гўша обод зиёратгоҳга айланди. Ҳовузнинг чуқурлиги 22 метр. Шунингдек, Тепачўғ обидаси ёнидаги қудуқ ҳам қайта тикланди. Унинг чуқурлиги 20 метр бўлиб, барчасидан тоза ва ширин сув чиқди. Айримларига электр сув кўтаргичлар ўрнатилди. Бундан чиққан сув ерни суғориш ва бошқа мақсадларга ҳам ишлатилмоқда. Қудуқлар ишга туширилган маҳаллаларда сув сероб бўлди. Ҳозир ҳовлиларнинг яшнаб туриши кўзларни қувонтиради.

**— «Насаф тажассуми» китобингизда тилга олинган тарихий маликаларнинг ҳаёти ва ижоди кўпчилик эътиборини тортди. Бунга қандай эришдингиз?**

— Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилейида иштирок этгандим. Ўшанда бизга «Бухоро аёллари» деган китобни ҳам совға қилишганди. Унда ҳамюртимиз Кенагасбегимнинг «Чилдухтарон» қудуғига ташлаб, қатл этилгани тўғрисида маълумот берилган экан. Бу юрагимга ўт солди. Ахир, момоларимизнинг хоки кўҳна Бухорода ётса-ю, бу ҳақда юртдошларимизга билдирмасак, қанақа ижодкормиз, деган фикр ўтди хаёлимдан. Дунё подшосининг онаси деб тан олинган Манижа, Спитаменнинг қизи, 34 та шаҳар қурдирган, авлодлари икки юз йил салтанатни бошқарган Апамоҳ, Тўмарис, Бибихоним, Тегинабегим, Туркон Оға бегим, Кенагасбегим каби тарихий момоларимизнинг инсоний фазилатларидан юртдошларимизнинг ҳам бахраманд бўлишлари учун бу асарни ёзишга жазм қилдим. Халқимизда жаҳонга машҳур гўзал, жасур, ғайратли, оқила аёлларимиз ҳақида кўплаб ривоятлар юради. Ҳатто буюк Амир Темур бобомиз: *«Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлиқ-саломатлигини, жисмонан камолотини аниқладим. Келин бўлмиш насл-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан ҳоли бўлсагина, эл-юртга катта тўй-томоша бериб, келин туширдим»*, дейдилар.

Китобда мана шундай ҳикматлар орқали бугунги ибратли оилаларнинг ҳам ҳаёти, турмуш тарзи очиб берилган.

**Адиба УМИРОВА,**
**суҳбатлашди.**

ЁДЛОВ

# ОДАМИЙЛИК СИЙРАТИ

Иродага, касбга, илмга, адабиётга, дўст-бародарга бирдай садоқат билан муносабатда бўлган кишини ҳар жойда, ҳар куни учратавермаймиз.

Ғаффор ака Мўминов ана шундай ноёб фазилатли инсонлар сирасига кирарди. Бу кишининг меҳнат дафтарчасида биргина иш жойининг номи қайд этилган. У ҳам бўлса, қадрдон институти номидир.

Ғаффор Мўминов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти "ХХ аср ўзбек адабиёти" бўлимининг фидойи ходимларидан бири эди. Олим ушбу даргоҳда деярли ярим аср меҳнат қилди.

Ҳаётий эътиқод билан бадиий ҳақиқатга таянган тадқиқотлар ўз ижтимоий аҳамиятини, эстетик қимматини асло йўқотмайди. Адабиётшунос олим Ғаффор Мўминов тадқиқотлари ҳам, аввало, илмий-назарий, маънавий-тарбиявий аҳамияти билан эътиборли. У Ҳамза, К.Яшин, Ойбек, Уйғун, Миртемир, Т.Тўла, Одил Ёқубов, Тўра Сўлаймон асарларини замон руҳияти, миллат маънавиятини ўстиришдаги эстетик қиммати билан уйғунликда ўрганган. "Традиция ва маҳорат", "Ўзбек адабиёти тараққиётида фольклорнинг ўрни" номли монографиялари, Ҳамзанинг ҳаёти ва ижодига оид рисолалари олим илмий-назарий ҳофизаси кўламининг нечоғли кенглигини тасдиқлайди.

Ғ.Мўминов ўзбек ва рус тилларида чоп этилган кўп жилдли "Ўзбек адабиёти тарихи" китобининг муаллифларидан бири эди. "Султон Жўра", "Ҳамид Ғулом", "Ўткир Ҳошимов" номли кўплаб адабий портретлари ушбу силсилада салмоқли ўрин тутади. Фольклор ва бадиий ижод типлари, ёзувчининг ижодий лабораторияси ва шахсиятига оид 200 га яқин адабий-танқидий, илмий-оммабоп мақолалари ҳам олимнинг ижодий изланишлари кўламини кўрсатади.

1985 йилда Ойбек асарларининг 20 жилдлик академик нашрини тайёрлашдаги иштироки ва хизматлари учун Ғаффор Мўминов Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти билан тақдирланган эди.

Маълумки, халқ оғзаки ижоди ҳамиша адабиётшунослар назарида бўлган. Айниқса, ХХ аср сўнггида фольклорнинг ёзма адабиётга таъсири масаласига эътибор кучайди. Ғаффор Мўминовнинг ўзбек халқ оғзаки адабиётидаги образлар, мотивлар, поэтиканинг ХХ аср ўзбек реалистик адабиёти ривожига таъсири ўрганилган қатор мақолалари, монографияси, айниқса, докторлик диссертацияси адабиётшунослигимизда ёритилган дастлабки йирик ишлардан ҳисобланади. Халқ оғзаки ижодидаги умрбоқий ғояларнинг бугунги кун истиқлол маънавиятини такомиллаштиришдаги моҳиятини ёритиш олим изланишларининг негизи эди.

Бетакрор қиёфали шоиримиз Миртемир ижоди ҳақида ёзилган тадқиқотлар, мақолалар ичида Ғаффор аканинг ёзганлари ўзининг сархиллиги, таровати билан ажралиб туради. Миртемир ака билан Ғаффор ака шоиртанқидчигина эмас, оға-инилик, устоз-шогирдлик, қондош-жондошлик ришталари билан қаттиқ боғланган эдилар.Уларнинг бир-бирларига меҳру садоқати ўзгача эди.

Ғаффор аканинг ички ва ташқи маданияти бирдек гўзал эди. Айниқса, манманлик унга бегона бўлиб, юзидан, сўзидан, феъл-атворидан вазминлик уфуриб турар эди. Кези келганда ошна-оғайниларига чиройли ҳазил-мутойиба қилар, ўзгаларнинг бундай ёндашувларини ҳам сира оғир олмас эди. Унинг дўстпарварлиги ҳам ҳавас қиларлик эдики, бу хусусияти кўпларни ўзига оҳанрабодек тортарди. Яқиндан таниганларнинг аксари — каттами, кичикми, тенгқурми, уни хуш кўрганидан "Ғаффор ота" деб атар, у бундан хафа бўлмас, чамаси, бу сифат унинг ўзига-да маъқул келарди. Ғаффор аканинг хонадонларида мен, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Наим Каримовлар тунни тонгга улаб адабиёт хусусида қилган суҳбатларимизда ҳам Ғаффор ака даврининг гули бўлгучилардан бири эди.

Бундай йиғинлар авжи қизиган паллада қўшиқ жўрлигида Ғаффор ака, албатта, ўртага тортиларди. У киши йиғитларга хос хиром, ғурур билан ўзбек мумтоз куй-қўшиқларига рақсга тушарди.

Ғаффор ака оилапарвар, илмпарвар, шогирдпарвар инсон эди. Оиласи ва фарзандлари шаънига гардни-да раво кўрмайдиган бағоят меҳрибон ота эди. Халқимизда олим бўлма, одам бўл, деган ҳикмат бор. У киши кўнгли беғубор, инсонийлиги баланд Одам ва Олим эди.

Бугун у кишининг фарзандлари оталари хотирасини муносиб қадрлашмоқда. Улар сўнгги йилларда Ғаффор Мўминовнинг қатор китобларини, илмий ишлари ва мақолаларидан иборат библиографияни чоп эттиришди.

Филология фанлари доктори, профессор, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, дилкаш инсон, қалб ҳарорати китобларига кўчган олимнинг асарлари узоқ йиллар ўз ўқувчиларига ҳаётий билим ва хулосалар, мунаввар туйғу ҳамда кечинмаларни бағишлаши табиийдир.

**Бахтиёр НАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги**

ҚАДРИЯТ

# «Олтин бошоқ» ва «Гаштак» зафарлари

***Миллий қўшиқлар, рақслар халқимиз маънавияти хазинасининг ажралмас қисми ҳисобланади. Уларда минг йиллардан буён сайқалланиб келаётган урф-одатлар, қадриятлар ва турли удумларни маънавиятимизнинг таркибий қисмига айлантириш бугун ҳар биримизнинг олдимизда турган долзарб вазифалардандир. Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида фаолият кўрсатаётган «Олтин бошоқ» ашула ва рақс халқ жамоаси ҳамда «Гаштак» фольклор дастаси ана шундай хайрли ишларни амалга ошираётган гуруҳлардан ҳисобланади.***

«Олтин бошоқ» ашула ва рақс халқ жамоаси 1976 йилда дастлаб «Бинафша» ансамбли негизида ташкил этилган. 1978 йилда халқ дастаси унвонини олган. Мустақиллик йилларида жамоа республика миқёсидаги тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда. Жамоа кейинги йилларда нафақат ўзининг томоша дастурлари билан, балки қатнашчиларнинг сони ва сифати жиҳатидан ҳам бойиди. Бунинг натижаси ўлароқ, жорий йилда «Диёр оҳанглари» фестивалида муваффақиятли иштирок этиб, барча номинациялар бўйича фестивалнинг «Энг яхши иштирокчиси» деб топилди. Аския, мақом, оммавий рақс, созандалар ансамбллари йўналиши бўйича фахрли ўринларни қўлга киритди.

1991 йилда Ғаллаорол туман марказий маданият уйи қошида ташкил этилган «Гаштак» фольклор дастаси дастуридан 80 дан ортиқ лапарлар, қўшиқлар, байт ва айтишувлар ўрин олган. Жамоа ташкил топгандан буён кўплаб тадбирлар, баҳслар, кўрик-танловларда ўзининг ажойиб чиқишлари билан муваффақият қозониб келди. Натижада 1997 йилда халқ ансамбли унвонига сазовор бўлди.

Фольклор дастаси 2002 йилнинг май ойида ЮНЕСКО томонидан ўтказилган «Бойсун баҳори» фестивалида муваффақиятли иштирок этган бўлса, 2003-2004 йиллари вилоят фольклор жамоалари кўрик-танловида ўзининг «Тўш» ва «Тўққиз тобоқ» дастури билан иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллади ва пойтахтда ўтказилган қатор анжуманларда ҳам иштирок этди.

Жамоа қошида ташкил этилган «Маржон» фолькор жамоаси республика «Алла», жамоанинг чанқовузчилар гуруҳи эса «Барҳаёт наволар» кўрик-танловида 3-ўринни эгаллаб, қадимий миллий анъаналаримизнинг бардавомлигини намоён этишда жонбозлик кўрсатишди.

**Бобуржон СУЯРОВ,**
**Ғаллаорол тумани марказий маданият уйи директори**

НАШР

# КИНО ҲАҚИДА ЯНГИ КИТОБ

Ўзбек кинематографиясининг тарихи ҳақида ўнлаб китоблар, илмий рисолалар ёзилган. Лекин унинг тараққиёт йўллари тизимлаштирилмаган эди. Ҳозирги кунда соҳани ривожлантиришда кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Миллий кино ривожининг алоҳида-алоҳида даврларини кўриб чиқиш ва бир-бирига боғлаш учун кўпинча архив маълумотларига ва суратга олиш жараёни иштирокчиларининг хотираларига мурожаат қилишга тўғри келарди. Бу эса, табиийки, кўп вақт талаб қилади.

«Ўзбекфильм» киностудиясида ишланган фильмларнинг биринчи каталоги 1984 йили республика кинопрокати идораси ходимлари иштирокида нашр қилинган. У миллий кинонинг 60 йиллик тарихи давомида суратга олинган юзлаб ўзбек киноасарлари ҳақидаги маълумотларни, мультфильмларни қамраб олган. Баъзи камчиликларга қарамасдан, ўшанда тузувчилар ўзбек киноси тарихини ўрганиш ва бугунги кунда мазкур соҳани ривожлантиришга хизмат қиладиган яхши асар яратишди.

Яқинда «Санъат» нашриёти томонидан «Ўзбекистон бадиий киноларининг аннотация қилинган каталоги» (Аннотированный каталог художественного кино Узбекистана 1925-2008) номли китоб рус тилида чоп этилди. Ундан ўзбек киносига оид кўплаб маълумот ва тарихий фактларни топиш мумкин.

Китоб инновацион грант асосида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институтининг «Кино ва телевидение» бўлими ходимлари профессор Жўра Тешабоев, доцентлар Ханжарой Абулқосимова ва Сабоҳат Ҳайитматова ҳамда фан номзоди Махсура Мирзамуҳамедова томонидан тузилди.

Каталог ўзбек киноси тарихининг барча ривожланиш босқичларига оид фильмографик маълумотларни, уларга ёзилган аннотацияларни ўз ичига олган. Китобнинг биринчи қисми миллий кино санъатимиз вужудга келишидан 1990 йилгача бўлган даврни қамраб олган. Иккинчи қисми эса мустақиллик даврида, яъни 1991-2008 йилларда яратилган кинофильмларга бағишланган. Шу билан бирга, китобда Ўзбекистонда анимацион кинематография тарихига оид фильмографик маълумотларни ҳам учратиш мумкин.

Китобнинг илмий аҳамияти жуда катта, албатта. У ўқув жараёнида ноёб қўлланма вазифасини ўташига шубҳа йўқ. Чунки китоб назарий билимларни бойитишга ҳамда миллий кинони ривожлантиришга амалий жиҳатдан ёрдам беради. Уни тузишда юксак малакали киношунос мутахассисларнинг иштирок этгани эса факт ва рақамларнинг ишончли эканидан далолат беради.

Китоб киношуносларга, бу соҳага алоқадор олий таълим муассасалари талабаларига, миллий санъат ва бадиий ижодга қизиқувчиларга мўлжалланган.

**Баҳодир АҲМЕДОВ,**
**санъатшунослик фанлари номзоди, профессор**

# ФАРЗАНДЛАРИМИЗ СОҒЛИГИ — ОЛИЙ МАҚСАД

Одатда, кексаларимиз узоқ сафарга отланаётган кишига «Ой бориб, омон қайтгин», дея дуо қилишади. Дарҳақиқат, омонлик — бебаҳо бойлик. Сирасини айтганда, ота-она учун фарзандининг соғлигидан кўра улуғроқ бахт йўқ. Аммо бу бахт шукронасини ҳамиша ҳам ҳис қиламизми?!. Аслида, соғлом гўдакнинг шўх кулгусиданда юксакроқ сеҳр борми? Йўқ! Ана шундай тугал бахтнинг бардавом бўлиши учун ота-онадан, аввало, ўзининг, қолаверса, жигаргўшаларининг соғлигига доимо эътиборли бўлиш талаб этилади.



Албатта, дунёда дард кўп. Айни пайтда унга чалинмаслик, бирон хасталикка учрашнинг олдини олиш инсоннинг ўз қўлида. Бинобарин, касаллик қанча кўп бўлмасин унинг давоси бор.

Инсон организмининг муҳим тириклик манбаларидан бири қон бўлиб, у билан боғлиқ ҳар хил касалликлар мавжуд. Бундай хасталикларнинг олдини олиш, уларга чалинганда даволаниш йўллари қандай? Шу каби саволларимизга Республика гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти қошидаги диагностика-маслаҳат поликлиникаси шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВАдан жавоб олдик.

**— Оғир турдаги қон касалликлари бутун инсониятни ташвишга солаётган муаммолардан биридир. Ҳалигача давоси топилмаган бундай хасталикларнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи омиллар мавжуд. Айтинг-чи, оғир турдаги қон касалликларининг пайдо бўлишига нима сабаб бўлади?**

— Аслини олганда, қон касалликларига мойиллик ҳар бир инсонда бор. Аммо кимларгадир бу мойиллик умр бўйи сезилмайди. Айримларда хасталик юзага чиқади.

Оғир турдаги қон касалликларини икки турга бўлиш мумкин. Биринчиси, наслдан-наслга ўтувчи ирсий қон касалликлари. Мисол учун, гемофилия касаллиги. У фақат эркакларда учрайди. Аёллар эса хасталикни ташувчи бўлиб хизмат қилади. Гемофилия касаллик ташувчи онадан ўғил фарзандларига ўтади. Қизлар эса касалланмайди, балки касалликни авлоддан-авлодга ўтказиб боравершади.

Қолаверса, оғир асоратларга олиб келувчи яна бир неча касалликлар борки, уларнинг келиб чиқиш сабаби асосан қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ ҳисобланади. Яқин қариндошлар оиласида туғилган фарзандларда оғир даражадаги қон касалликлари кўпроқ учрайди. Шунинг учун юртимизда бир неча йиллардан бери қариндош-уруғлар никоҳига йўл қўймаслик учун кенг кўламли тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Яна бир гап. Бугунги кунда юртимизда темир моддаси танқислиги — анимея-га чалинган аёллар ва болалар кўпчиликни ташкил қилади. Уларни даволаш ва касалликнинг олдини олиш учун мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Республика марказидан бошлаб, чекка-чекка ҳудудларгача барча қишлоқ врачлик пунктлари, поликлиникалар ва бошқа тиббиёт муассасаларига темир препаратига бой дори воситалари бепул тарқатилмоқда. Бу эса ўз навбатида халқимизнинг соғлигига кўрсатилаётган алоҳида эътибор ифодасидир.

**— Темир танқислиги — анимеянинг олдини олиш ва даволаш ҳақида яхши гап бошладингиз. Албатта, оила мустаҳкамлиги, фарзандларнинг ҳар томонлама баркамоллиги бевосита хотин-қизлар, оналар саломатлиги билан боғлиқ. Сиз мутахассис сифатида камқонликнинг олдини олиш учун қандай маслаҳатлар берасиз?**

— Тўғриси, мен ҳанузгача бир нарсани ҳеч тушунмайман: эмизикли аёллар нега парҳез қилишади? Очиғи, ҳали фарзанди бир ёшга тўлиб улгурмай "ўз чиройининг ғамини еб" парҳез қила бошлайдиган оналарни кўп кўрганман. Бизнинг олдимизга маслаҳат сўраб келадиган хотин-қизларнинг кўпчилигидан сўрасак, парҳез таомларнигина тановвул қилишини айтишади. Тўғри, кам овқат истеъмол қилишнинг фойдаси катта. Аммо, албатта, унда ҳам меъёр, тартиб бўлиши керак. Айниқса, ҳомиладор ва ёш болали аёлларнинг парҳез тутиши ўзини мутлақо оқламайди. Оиласининг, фарзандларининг келажагини ўйлайдиган аёл, энг аввало, ўз соғлиги ҳақида қайғуриши керак эмасми?!. Ахир, гўдак саломатлиги учун она сутининг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди-ку! Фарзанд азиз экан, унинг соғлигидан буюкроқ бахт йўқлигини ҳар бир ота-она юрақдан ҳис қилиши лозим. Зотан, бизнинг эртамиз шу мурғаккина болаларимизнинг ҳар томонлама комил бўлиб улғайишига боғлиқлигини барчамиз яхши англашимиз керак. Қолаверса, балоғат ёшидаги қизлар ҳам овқатланиш меъёрига қатъий риоя қилишлари зарур. Чунки улар нафақат ўзлари, балки келажак авлод баркамоллиги учун ҳам масъулдирлар. Шундай экан, улар ўз соғликларига икки ҳисса кўпроқ эътибор беришлари лозим. Овқатланиш тартибига риоя қиладиган, соғлом турмуш тарзи қоидалари асосида яшайдиган киши эса ҳеч қачон темир моддаси танқислиги касаллигига учрамайди. Бу эса фарзандлар саломатлигининг бош омилидир. Отам (жойлари жаннатда бўлсин!) профессор Абдуқодир Тўраев ўзларининг қирқ йиллик меҳнат фаолиятлари давомида болалар гематологияси билан шуғулланган. Улар фарзанд соғлиги энг улуғ мукофот эканини ҳам касб тақозоси билан ишхоналарида, ҳам оила даврасида бот-бот таъкидлаб ўтардилар. Бугун мен ҳам падари бузрукворимнинг хайрли ишларини давом эттириб, болалар саломатлиги энг бирламчи масала эканини бизга мурожаат қиладиган ҳар бир ота-онага такрор-такрор эслатаман.

**— Муҳаббат опа, ўзингиз фаолият юритаётган Республика қон қуйиш илмий-текшириш институти ҳақида ҳам тўхталсангиз. Бу тиббиёт масканида соҳага доир қандай янгиликларга қўл урилмоқда?**

— Биласизми, институтимиз раҳбарияти томонидан бир хайрли иш бошланган. Худо хоҳласа, яқин йиллар ичида бу даргоҳда суяк илиги трансплантациясига оид жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун ҳаракат қилинмоқда. Бу дегани оғир даражадаги қон касалликларига дучор бўлган беморларга соғлом суяк илигини кўчириб ўтказиш амалиёти ўз юртимизда ўтказилишини англатади. Демак, бу билан оғир аҳволдаги беморларнинг ҳаётини сақлаб қолиш имконияти ҳам яратилади. Айни кунларда бу ишни амалга ошира оладиган кадрларни тайёрлаш ишлари давом этмоқда. Яъни, ёш шифокорларимиз турли чет давлатларга юборилиб, малакалари оширилмоқда.

Умуман олганда, бундай мураккаб операцияларнинг ўз юртимизда ҳам амалга оширилишини бир пайтлар орзу қилардик, холос. Бугун эса шундай умидларимиз рўёбга чиқаётганини ҳис қилиш жуда мароқли.

Бу ҳам бўлса, мустақиллик берган имкон ва Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир.

**Ситора ТОЖИДДИНОВА суҳбатлашди.**

СПОРТ

## РАҚИБЛАРИМИЗ МАЪЛУМ

Хитойнинг Зибо шаҳрида жорий йилнинг 3-17 октябрь кунлари футбол бўйича ёшлар ўртасида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унга кўра Марат Кабаев бошчилигидаги терма жамоамиз вакиллари Ироқ, Бахрайн, КХДР жамоалари билан «В» гуруҳидан жой олди. "А" гуруҳини Хитой, Таиланд, Сурия, Саудия Арабистони терма жамоалари эгаллади. "С" гуруҳи БАА, Вьетнам, Иордания, Япония жамоаларининг чекига тушди. Жанубий Корея, Австралия, Яман, Эрон футболчилари кейинги босқичга чиқиш учун "D" гуруҳида кураш олиб боришади.

## ЖОЗЕ МОУРИНЬО ДУНЁДА ТЕНГСИЗ

Халқаро спорт журналистлари ассоциацияси томонидан ўтказилган сўровга кўра, Италиянинг "Интер" клуби бош мураббийи Жозе Моуриньо дунёда тенгсиз, деб топилди. Бу ҳақда www.marca.com сайти хабар тарқатди. Сўровномада португалиялик мутахассис 36 фоиз овоз тўплашга эришган. Иккинчи ўрин 20 фоиздан кўпроқ овоз жамғарган Англиянинг «Манчестер Юнайтед" жамоаси устози сэр Алекс Фергюсонга насиб этди. Кейинги поғоналардан Гус Хиддинк, Фабио Капелло ва Марчелло Липпи каби мураббийлар жой олдилар.

Жаҳоннинг энг яхши мураббийини аниқлашда тўқсон олти мамлакатдан 200 нафар профессионал журналист иштирок этди.

## "БАРСЕЛОНА" — ЧЕМПИОН

Испаниянинг "Барселона" жамоаси баскетбол бўйича Евролига баҳсларида ғолибликни қўлга киритди. Финал учрашувида Грециянинг "Олимпиакос" жамоасига қарши майдонга тушган ушбу клуб вакиллари 86:68 ҳисобида зафар қозонди.

Мазкур ғалаба "Барселона" жамоасининг Европа лигасидаги иккинчи муваффақиятидир. Улар 2003 йилги мавсумда ҳам чемпион бўлишганди.

Учинчи ўринни Россиянинг ЦСКА жамоаси эгаллади.

## ДАРВОЗАБОН ФАОЛИЯТИНИ ЯКУНЛАДИ



Футбол бўйича Германия чемпионатининг 34- туридан ўрин олган "Штутгарт" ва "Хоффенхайм" жамоалари ўртасидаги учрашув тугаганидан сўнг дарвозабон Йенс Леманн фаолиятини якунлаганини маълум қилди.

— Ҳозир нималарни ҳис қилаётганимни бир сўз билан ифодалаб беришим қийин, — дейди дарвозабон журналистларга берган интервьюсида. — "Хоффенхайм" жамоаси билан кечган ўйинда катта куч сарфладим.

Айни дамда ўзимда анча толиқиш ҳис қилаяпман. Тўғрисини айтсам, ўйинлар ва машғулотлар вақтида зерикаяпман. Фаолиятимдаги энг сўнгги учрашувни яхши ўтказдим, деб ўйлайман.

Кўпчилик футбол ишқибозлари германиялик мазкур дарвозабонни 2006 йилдаги жаҳон чемпионатининг чорак финалида Аргентина терма жамоасига қарши ўтказган ўйиндан бери яхши эслашади. Ўшанда Йенс Леманн ажойиб ўйин кўрсатганди. Шундан бери у Европанинг бир нечта кучли клублари шарафини ҳимоя қилди.

## МУЗОКАРАЛАР БОШЛАНДИ

Ўта оғир вазнда WBA йўналиши бўйича собиқ жаҳон чемпиони россиялик Николай Валуевнинг вакиллари кубалик Одланьер Солис билан икки боксчи ўртасидаги учрашувни ташкил этиш борасида музокара бошлади. Бу ҳақда www.fanhouse.com сайти ахборот тарқатди.

Ушбу жангга Жаҳон боксчилар иттифоқи розилик билдирди. Учрашувда ғолиб бўлган спортчи мазкур ташкилотнинг чемпионлик камарига эга бўлади.

Айни пайтда Николай Валуев WBC камарига даъвогарлар орасида учинчи ўринда турибди.

**Азим РЎЗИЕВ тайёрлади**

БИЛАСИЗМИ?

# Яшил хазина сирлари

Юртимиз шифобахш ўсимликларга бойлиги билан дунёда довруғ қозонган ўлкалардан. Кейинги вақтларда бу ўсимлик дунёсига қизиқиш ортиб бормоқда. Шундай экан, наботот оламидан ўта эҳтиёткорона, ўринли ва режали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ўсимликларни қачон, қай йўсинда йиғиш, қуритиш усулларини билиш зарур. Ўсимликнинг ер устки қисми, жумладан, пояси, барги ва гуллари аралашмаси ўсимлик айни гуллаганда, поянинг энг тагидаги барг олдидан кесиб олинади. Поянинг баргсиз қисмига эса тегинилмайди. Бўйи баланд ўсимликлар поясининг тепасидан 10-12 см. чамасида кесиб олинади.

Барглар, одатда, ўсимликлар гуллаши олдидан ёки гуллаганда эҳтиёткорлик билан йиғиб олинади. Ўсимлик куртаклари доривор омил сифатида эрта баҳорда, ҳали ёзилмасидан олдин йиғилади. Гуллари қийғос гуллаганда олинади. Гиёҳларнинг ер устки қисмларини шудринг кўтарилганидан сўнг, ҳаво очиқ пайтда йиғилади.

Ўсимлик меваси пишиб, қиёмга етганида, уруғи эса тўла етилганидан кейин йиғилади. Ўсимликнинг ер остидаги доривор қисми, жумладан, туганаклари, илдизи, илдизпоялари, пиёзбошиси ўсимлик уйқуга кирган пайтда, яъни кеч кузда ёки эрта баҳорда қазиб олинади.

Йиғиштирилган ва тайёрланган доривор гиёҳлар саралангандан сўнг тупроқдан тозаланиб, қуритишга киришилади. Қуритишнинг энг оддий усули — табиий шароитда, яъни очиқ ҳавода қуритиш ҳисобланади. Бироқ ўсимликнинг ердан ташқаридаги қисмини (мева, уруғлари бундан мустасно) очиқ ҳавода, қуёш тиғида қуритиб бўлмайди. Акс ҳолда, ўсимликнинг пояси, барги, гуллари ҳужайраларидаги хлорофил ва гулларидаги пигментлар парчаланиб кетиб, маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам ўсимликнинг ер устки қисми соя жойда қуритилади. Одатда бундай жойлар тоза, ҳаво эркин айланадиган, қуёш нури тушмайдиган бўлиши лозим.

Ўсимликнинг илдизи, илдизпояси, туганаги, пиёзбошиси ҳамда мева ва уруғларини очиқ ҳавода, офтобда қуритиш мумкин. Шарбатли мева тагига газета, хат босилган қоғозни мутлақо тўшаб бўлмайди. Чунки ҳарф босилган тўшамада инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи моддалар мавжуд бўлади.

Доривор маҳсулотларни ҳар қандай зарарли ҳашарот ва кемирувчилардан ҳимоя этиш лозим.

Қуритиш давомида тўпланган дориворлар моғорламаслиги учун ҳаракат қилиш даркор. Бунинг учун тўшамалар қуруқ бўлиши билан бирга, уларни ағдариб, шамоллатиб туриш керак.

**Лобар РАҲИМЖОНОВА тайёрлади**

# Шатранж одобини чиндан ўрганинг

Қисқа ва ҳикматли сўзлар тарзида ёзилган асарлар хитой миллий адабиётининг унча маълум бўлмаган Цзяцзуань жанрига мансубдир. У мазкур мамлакатнинг ўзида ҳам деярли унут бўлиб кетган жанр саналади. Бу сўз ўзбек тилига ўгирилса, "ҳар хил", "аралашма", "турли нарсалар" тўғрисида хабарлар" деган маъноларни англатади. Цзяцзуань шакли ва тузилишининг ўзгачалиги, фақат ўзига хос тил услублари билан ажралиб туради. Одатга кўра бир сарлавҳа остида мазмунан яқин ҳикматлар берилади. Уларни кундалик ҳаёт тўғрисидаги битиклар, умр ҳақидаги мулоҳазалар дейиш мумкин. Ҳикматли сўзлар орасида шахмат мавзусига бағишланганлари ҳам кўп.

Фикримизнинг далили сифатида қуйидаги мисолларга мурожаат этайлик.

*Ҳаракат этишар тобелар ўзин,*
*кўрсатишга ожиз*
*бошлиқ билан*
*бўлганда ўйин.*
**Су Ши (1037-1101).**

*Жаҳли чиқади*
*ютаётганнинг ,*
*тугаса чироғида ёғ.*
**Ли Шан Июнь (812-856).**

*Шахмат ўйнаган чоғи*
*уятлигин унутиб*
*товонин ушлар ўйинчи.*
**Фан Сюань (XVII-XVIII аср).**

*Ўша давр одатига кўра, шахматчи пойабзални ечиб, бўйра устида ўтириб ўйнашарди. Ўйин қизиган пайтда билиб-билмай товон ушлаш ҳолатлари бўларди, гарчи у одобсизлик саналса ҳам.*

**Анвар ИНОҚОВ**



*1) Тўрт юришда мот.*



*2) Оқлар бошлаб ғалабага эришади*

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528
Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Зафар САИДОВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ
Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@doda.uz
Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Тошкент — 8-370-383-97-53
Қашқадарё — 8-375-310-17-73
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.50
® — тижорат белгиси.
Адади: 15240 Буюртма — Г-426 12345